Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚАБОШЛАГАН ◆ 1967 йил 5 май, жума ◆ 49 ЙИЛ ЧИҚИШИ, № 105 (13.665). ◆ БАҲОСИ 2 ТИЙИН

БУГУН СОВЕТ МАТБУОТИ КУНИ

ПАРТИЯ ФАРЗАНДИ

Улуғ Ленин асос солган, беқиёс генийлик, ғоят ўткир ақл-заковат, эҳтирос, маҳорат билан муҳаррирлик қилган совет матбуотининг тўйи — ҳақиқат қаломи билан йўғрилган «Правда» газетасининг биринчи сони чиққан кунининг эллик беш йиллигини нишонламоқдамиз. Россияда революцион кўтарилишнинг шиддатли тўлқинларида 1912 йил 5 май куни туғилган Ленин «Правда»си чинакам большевистик матбуотимиз тарихи ва тараққиётида бутун бир янги даврни бошлаб берди.

Дастлабки қадамларидан бошлабоқ ҳақиқат сўзларини баралла янграттан, зулм ва истибдодга қарши шафқатсиз курашган, чинакам эрк ва инсоний ҳуқуқ иштиёқи билан ёнганларга нажот йўлини кўрсатган бу газета нохақлик ва зўравонлик асосига қурилган салтанатга қарши ёқилган революция оловини алангалатиб юборди.

Улуғ Ленин ибораси билан айтганда, қулф уриб яшнайдиган коммунистик матбуот баҳоридан дарак бериб қанот қоққан «Правда» ўзидан кейин нашр этилган газета ва журналларга, Октябрь революциясидан кейин эса партия-совет матбуоти органларига карвонбоши бўлди. Шу боисдан ҳам «Правда»нинг туғилган кунини совет матбуотининг байрами сифатида ҳар йили нишонлаш бизда анъанага айланди.

Коммунистик партия тарбиялаб вояга етказган бизнинг матбуотимиз халқнинг фикр ва орзулари ифодачиси, партия режаларининг жарчиси сифатида соф виждонли ҳамма кишиларнинг жўшқин муҳаббатини қозонди. Шунинг учун ҳам биз совет матбуотини партиямиз фарзанди, халқимизнинг революцион минбари деб атаймиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев «Известия» газетасининг эллик йиллик юбилей тантанасида сўзлаган нутқида бундай деди:

«МАТБУОТ ХАЛҚНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ, ПАРТИЯ ИДЕЯЛАРИНИ ПРОПАГАНДА ҚИЛИШНИНГ ҚУДРАТЛИ ВОСИТАСИДИР, ЖУДА КЕНГ МЕҲНАТКАШЛАР ОММАСИНИ ЖАМИЯТИМИЗ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШГА ТОРТИШ ВОСИТАСИДИР. СОВЕТ МАТБУОТИ ШУНДАЙ ВОСИТАДИРКИ, УНИНГ ЁРДАМИДА ПАРТИЯ ҲАР КУНИ ОММА БИЛАН ГАПЛАШИБ, МАСЛАҲАТЛАШИБ ТУРАДИ, ОММАГА СИЕСИЙ БИЛИМ БЕРАДИ ВА ОММАНИНГ ИЖОДИЙ КУЧЛАРИНИ САФАРБАР ҚИЛИБ, ШУ ТАРИҚА ЎЗ СИЕСАТИНИНГ ЛЕНИНЧА БОШ ЙЎЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ЕНГИЛЛАШТИРАДИ».

Бизнинг матбуотимиз партия ғоялари билан қуролланган билан кучлидир. У партия ғояларининг ифодачиси, оташин жарчиси бўлгани, партия сиёсатига қатъий ва оғишмай амал қилаётгани, партия сиёсатини чуқур ва ҳар томонлама пропаганда қилаётгани, халқ оммасини партия шиорлари ва директиваларини амалга оширишга сафарбар этаётгани учун ҳам Ленининг коллектив пропагандист, коллектив агитатор ва коллектив ташкилотчи деган васиятига содиқлигини амалда исботламоқда.

Халқимиз маданий ҳаётидаги бу катта байрамни нишонлар эканмиз, бир вақтлари чор Россиясининг қолоқ ва чекка ўлкаси бўлган Туркистон, жумладан ҳозирги Ўзбекистон матбуоти Ленин «Правда»сининг ёрдами ва кўмагида босиб ўтган шонли йўли кўз олдимизда гавдаланади. Революцияга қадар бутун республикамиз территориясида ниҳояти 14 та газета чиқарилиб, улар ҳам чор маъмурлари ва маҳаллий буржуазия қўлида меҳнаткаш халқни алдаш, эзиш қуроли сифатида хизмат қиларди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизда кунлик тиражи 3 миллион 99 минг нусхадан иборат 209 газета, бир галги тиражи қарийб 2 миллион нусҳа бўлган 50 журнал ва бюллетень нашр этилмоқда. Республикамиз нашриётлари ҳар йили босиб чиқараётган китоблар сони революциядан олдин нашр қилинганига нисбатан 200 баробар кўпдир.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон матбуоти сон жиҳатидангина ўсиб қолмай, мазмунан камол топди, халқимизнинг энг яқин дўсти, маслакдоши бўлиб қолди. Шу боисдан бизда матбуотни чуқур ҳурмат қилишади, унинг овозига ҳамма ерда диққат билан қулоқ солишади, унинг сигналлари, таклифлари ва танқидий мақолаларига катта эътибор беришади.

Бутун мамлакатимиз халқлари Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейига зўр тайёргарлик кўрмоқдалар. Табиийдирки, меҳнаткашлар оммасининг жуда кенг табақалари орасида бу айёмни, улкан маъракани муносиб туҳфалар билан нишонлаш иштиёқи тугён урмоқда. Халқимизнинг мана шу зўр кўтаринкилиги, қалб тугёни оммани революцион минбари бўлган матбуотимиз саҳифаларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Сурхондарёлик чўлқувар Шоймардон Қудратов, салкам бир аср даврнинг шоҳиди Ризамат ота Мусамуҳамедов, шонли анъаналарга бой революцион корхона — Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводининг токари, ишчи-мухбир Михаил Сергеев юбилейга шахсий совға тайёрлаш ташаббусини бошлаган эканлар, Тожикистоннинг Регар районидаги Ленин номли колхоз аъзолари билан Янгийўлдаги Ҳамроқул Турсунқулов номли хўжалик пахтакорлари икки қардош, қондош республика заршунослари мусобақаси дебочасини бошлаб берган эканлар, мана шу ватанпарварлик ҳаракатларининг умумхалқ ҳаракатига, мусобақасига айланишида республика, область ва район газеталарининг, матбуот ва телевидениенинг хизмати катта бўлди.

Совет ҳокимиятининг эллик йиллиги муносабати билан газеталаримизнинг, кўп сонли журналистлар, уларнинг энг яқин ёрдамчилари бўлган ишчи ва қишлоқ мухбирларининг вазифалари бениҳоя каттадир. Газета редакциялари ва уларнинг коллективлари жамиятимизнинг яратувчилик қудратини, халқимизнинг буюк муваффақиятларини чуқур ва ёрқин кўрсатиб беришлари, оммани ижодий ташаббусини ривожлантириб, уни партия XXIII съезди қарорларини бажаришга сафарбар этишлари зарур.

Газеталарнинг етакчи темаларидан бири — саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, яъни жамиятимиз тараққиёти учун, халқнинг моддий фаровонлигини ривожлантириш учун асос қилиб олинган масала бўлмоғи лозим. Журналистлар кишиларимизнинг илмий дунёқараши ва коммунистик ахлоқи шаклланишида ҳам актив роль ўйнашлари зарур.

Тенги йўқ редактор, оташин курашчи-публицист В. И. Ленин журналистик касбга, адабий-публицистик ишга чуқур эҳтиром билан қарар эди. «Сиз партия газетаси ходими эканлигингизни унутманг, теварак атрофдагиларга ҳам унутишга йўл қўйманг» деб таъкидларди у. Доҳийнинг ана шу васиятига ҳамиша содиқ бўлиш ҳар бир совет журналистининг муқаддас бурчидир.

ҚАҲРАМОНЛАР ХОТИРАСИ

1918—1924 йилларда Фарғона водийсида Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган курашда ҳалоқ бўлган 163 қаҳрамон дафн этилган жойда, Максим Горький номли шаҳар маданият ва истироҳат боғида 3 майда абадий шон-шуҳрат ёдгорлиги ўрнатилишига бағишланган митинг бўлди.

Митингни Фарғона шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Т. Қамбаров очди. Митингда сўзга чиққан Гражданлар урушининг ветерани, Катта Фарғона канали эксплуатация ва бошқариш бошлиғи Б. Усмонхўжаев, 1920 йилдан КПСС аъзоси И. Қодиралиев, Фарғона тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Н. Базиева, ҳарбий хизматчи С. М. Смирнов Совет ҳокимияти учун ўз жонларини фидо қилган қизил гвардиячиларнинг ўлмас жасорати тўғрисида, турли миллат жангчиларини совет нишиларининг озодлиги ва бахт-саодати йўлидаги жанговар ишларга илҳомлантирган халқлар ленинча дўстлигининг улуғворлиги ҳақида гапирдилар.

Оқ парда ёдгорлик устидан тушириладди. Тўпланган кишилар кўзи олдида улуғвор композиция намоён бўлади. Кўтарилаётган офтоб фонида осмонга қараб чўзилиб кетган ва бир-бирига туташган иккита 13 метрлик обелиск қад кўтариб турибди. Мармар супага зар билан «Халқ қаҳрамонлари абадий эсда сақланади» деган сўзлар ёзиб қўйилган. Ёдгорликка музика чаладиган механизм ўрнатилган. Бу механизм ҳар соатда ўзбекча мотам куйини чалади.

Ҳарбий салют садолари янграйди. Абадий шон-шуҳрат олови ёндирилади. Ёдгорлик ёнига гуллар қўйилган. (ЎзТАГ).



В. И. ЛЕНИН КРЕМЛДАГИ ИШ КАБИНЕТИДА.

Москва, 1918 йил октябрь.

(Бу фотосурат марксизм-ленинизм институтининг архивидан олинган).

(ТАСС фотохроникаси).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЛИВАНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ливан республикаси парламентининг таклифига биноан СССР Олий Советининг делегацияси 4 майда расмий визит билан Москвадан Байрутга жўнаб кетди. Делегацияга СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари К. Ф. Ильяшенко бошчилик қилмоқда.

Делегация составида СССР Олий Советининг депутатлари А. И. Данилов, Л. П. Гарибжанян, Б. Р. Раҳимов, В. А. Орлова, А. И. Вердзадзе ва Д. П. Кешоковлар бор.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Х. Қўқонбоевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими» Фахрий унвони бериш тўғрисида

Республикада савдо-сотиқни ривожлантиришдаги хизматлари, аҳолига намунали хизмат қилганлиги, кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун Фарғона область матлубот союзи Водил матлубот жамиятининг 18-магазин мудири Худойберди ҚЎҚОНБОЕВГА «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими» деган Фахрий унвон берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 4 май.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Республика совет ва хўжалик органларида узоқ муддат ва самарали ишлаганлиги ва туғилган кунига 50 йил тўлганлиги муносабати билан Главсредазирсовхозстройнинг «Голодностепстрой» бошқармаси бошлиғи Эҳсон Низомович Низомов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланди.

ЖУРНАЛИСТЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Журналистлар союзи правлениесининг секретариати СССР Журналистлар союзининг ҳар йили бериладиган мукофотларини белгилаш комиссиясининг тақдимини кўриб чиқиб, 1966 йил учун СССР Журналистлар союзи мукофотларини қуйидагиларга беришга қарор қилди:

1. АГРАНОВСКИЙ Анатолий Абрамовичга — «Известия» газетасининг махсус мухбири — «Тўқнашув» деган публицистик очерклар тўплами учун.

2. ЖУКОВ Георгий Александровича (Юрий Жуковга) — «Правда» газетасининг сиёсий обзорчиси — «30-йиллар кишилари» китоби учун.

3. ИВАШЧЕНКО Анатолий Захаровича — «Комсомольская правда» газетасининг махсус мухбири — «Қақнус пати» деган публицистик очерки учун.

4 ЧЕРНИЧЕНКО Юрий Дмитриевича — «Правда» газетасининг махсус мухбири — «Иккинчи шатак», «Обидалар посбони» ва «Ёрдамчи хунар» очерклари учун.

5. БЕКНАЗАР-ЮЗБАШЕВ Беник Гургеновича — АПН ҳафталигининг бош редактори — «СССРга руҳсатнома» китоби учун.

6. ЛУЦЕТ Владимир Наумовича ва СИМКИН Григорий Юрьевичга — «Красноярский рабочий» газетасининг мухбирлари — «Истиқболи порлоқ мамлакат 50 йилдан сўнг (Фритьоф Нансен маршрути бўйлаб)» темасидаги репортажлари учун.

7. ШАТУНОВСКИЙ Илья Мироновича — «Правда» газетасининг фельетончиси — «Митя тоға ҳамиша ҳақ», «Милиционер ҳуштак чалгунча», «Видолашув карамболи», «Ва бошқа мукаллиф шахслар...», «Бриллиант пальёни» фельетонлари учун.

8. ДАВИТАШВИЛИ Михаил Даниеловича — Грузия ССРда чиқадиган «Соплис Цховреба» («Қишлоқ ҳаёти») республика газетасининг редактори — «Бизнинг грузин чой» деган газета очеркларида ва мақолалари тўплами учун.

9. УСТИНОВ Лев Николаевича — АПН фотомухбири — «Колима» фотографиялари серияси учун

10. ПАНТ Валдо Валдемаровича — Эстония телевидение студиясининг шарҳловчиси — «Бугун, бундан 25 йил илгари» телевизион эшиттиришлар серияси учун.

11. ГОЛУБЕВ Евгений Петровича — Кострома область, Кострома районида чиқадиган «Волжская новь» газетасининг масъул секретари — очерклар серияси билан «Барча қўшиқлардан кучли» деган ҳужжатли повести учун.

12. ЛЬВОВ Анатолий Львовича (А. Анатольевга) — Норильск шаҳрида чиқадиган «Огни Талнаха» кўп тиражли газета редактори — «Олий балл» деган очерки билан «Пясино кўлининг нарёгида» деган репортажи учун.

УЧ ОҒАЙНИ БОТИРЛАР

Баҳор байрами арафасида Хоразм китобхонлари муносиб туҳфа олдилар: Нукусда нашр қилинган «Қўпсоҳил қўшиқлари» тўплами шеър мухлисларини мамнун этди. Қорақалпоғистонлик ва хоразмлик авторларнинг асарлари киритилган шу тўпламда қуйидаги мисралар бор:

Бир онанинг эгиз фарзанди каби,
Лабларимиздадир Амунинг лаби.
Бир яйлов, бир ўтов, битта дастурхон,
Бойлиги ўртада катта дастурхон.
Юраклар бир, туташ томирлари бор,
Жигармиз, қардошмиз, бизлар бахтиёр.

Дарҳақиқат шоир таърифлаганидек, Амунинг икки соҳилдаги халқлар бир кўкракдан сут эмган эгизакларга ўхшайди. Бошқа таъбир билан айтганда, икки соҳилда яшовчи ўзбеклар, туркманлар ва қорақалпоқларни «Уч оғайни ботирлар»га қиёс қилса ҳам бўлади.

Лекин, бу оғайнилар эртакдаги каби бири тўнғич, иккинчиси ўртанча, яна бири кенжа ботир эмас. Уч халқнинг туғилиши, камолоти, тақдири, тарихи бир хил. Бу ердаги мазлум халқлар хонлик истибдодига қарши биргаликда курашдилар. Озодлик тонгини бир вақтда қаршилаб, дўст ва қардош оилада чинакам бахт-саодат соҳиби бўлдилар.

«Уч оғайни ботирлар» деганимизнинг яна бир боиси бор. Оғайнилар эртакни ҳақиқатга айлантириб, баҳодирларга хос жасорат, ажойиб мўъжизалар кўрсатяптилар. Дўстлик ва биродарликнинг куч-қудратини амалда намойиш қиляптилар.

...Уч оғайни куч ва иродасини бир ерга жамлаб, воҳа белига пўлат камар боғлади — қум ва бархаплар оша бахт йўли барпо этди. Бу — узоқни яқин қилган Чоржўй — Қўнғирот темир йўлидир. Оғайнилар дуч келган ҳар бир тўсиқ ва туганмас олов ёқиб бирга ишинишга қарор қилдилар. Бухоро уларга дўстлик армуғонини тақдим этди. Оғайнилар биргалашиб тунда ҳам порлаб турадиган қўёш яратмоқчи бўлдилар. Бу нурхона Тахиатошда бунёд этилди. Улар сувни кўпайтирмоқ учун биргалашиб каналлар қурдилар, унумдор ерлар бағридан захни йўқотиш учун Катта кўл коллекторини барпо қилиб, унга «Дўстлик» деган ном бердилар.

Ҳозир уч оғайни белга камар боғлаб, Туямўйин ва Тахиатош гидроузелларини қуришга отланди. Бу демак — экономика гуркираб юксалади, Аму соҳиллари янада гуллаб-яшнайди, пахтазорлар, боғ-роғлар кенгаяди, юрт тобора обод, турмуш фаровон бўлади, демакдир.

Қорақалпоғистон машъали — Тўртқўл районидаги Максим Горький номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Обожон Дурдиев ёзган мақола «Хоразм ҳақиқати» газетасининг шу йил 2 апрель сонида босилди. Донгдор пахта устаси қардошлар мусобақасининг аҳамияти ҳақида гапириб, экиш олдидан ерга ўғит солиш вегитация даврида ғўзани суғориш бўйича илғор тажрибаларни ўртоқлашган хоразмлик уста деҳқонларга самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Амударё районидаги Крупская номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ойимхон Камолова билан Урганч районидаги Чапаев номли колхоз раиси Бибижон Оллаберганова бир-бирларига мактуб йўллаб, колхозлар ўртасидаги қардошлик мусобақасини бошлаб беришди. Шоботлик чўлқувар Зариф Раматов ва хўжайлилик Николай Донленко бошлиқ комплекс механизацялашган бригадалар 50-60 центнерчилик ҳаракатининг байроқдори бўлдилар.

Туркманистон ССРнинг Тошҳовуз зонаси хўжаликлари билан Хоразм колхозлари ўртасидаги мусобақа анча йиллардан буён мавжуд. Тожикистон ССР Регар районидаги Ленин номли ва Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозлар ташаббусидан кейин республикаларо мусобақа янада кенг қулоч ёйди. Районлар ўртасидаги мусобақа эндиликда колхозлар ва бригадаларга ёйилди.

Бу йил кўкламда Амударёда сув танқислиги юз берган кезларда дўстлик ва қардошлик нинг қудрати табиат қийинчиликларидан устун чиқди. Бир оила аъзолари дастурхондаги нонни баҳам кўргани каби ўзбек, туркман ва қорақалпоқ оғайнилар ўртасида оби-ҳаёт тенг тақсимланди. Экиш даврида мусобақадошлар бир-бирига техника ёрдами кўрсатишди.

Шу кунларда Аму соҳилида юбилей нафаси кезмоқда. Ҳар бир меҳнаткашнинг фикри-зикри улуғ тўйга тўёна тайёрлашга қаратилган.

— Октябрь социалистик революциясининг буюк ғалабаси бўлган СССР халқларининг қардошларча дўстлиги ва бузилмас бирлиги абадий омон бўлсин ва равнақ топаверсин!

Ф. ЗОҲИДОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Республика областларида чигит экишнинг борши тўғрисида 1967 йил 4 майгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда экилгани, учинчи стун — мавсум бошидан буён

Тошкент	—	100,9
Сурхондарё	—	100,2
Андижон	—	100,0
Самарқанд	—	100,0
Сирдарё	—	99,7
Фарғона	0,1	99,3
Бухоро	0,1	95,7
Қашқадарё	—	95,6
Хоразм	2,8	85,7
ҚҚ АССР	1,8	30,4
РЕСПУБЛИКА БУЙИЧА	0,3	93,1

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти ходимлари Матбуот кунини меҳнатда муносиб туҳфалар билан кутиб олдилар. Суратда: Бирлашган нашриётнинг бир гуруҳ илғор матбаачилари.

А. Тўраев фотоси.

ГАЗЕТА — МИЛЛИОНЛАР МИНБАРИ

«Газета — коллектив пропагандист ва коллектив агитаторгина эмас, балки шунингдек коллектив ташкилотчи ҳамдир».

В. И. ЛЕНИН

ЖУРНАЛИСТ ДЎСТИМГА

Ҳар тонг газетани олган чоғимда
Сен ёдга тушасан, дўстим,
дафъатан.
Боғбондек гул узиб менга
боғингдан
Юрагим саҳнини айлайсан чаман.

Ёрқин саҳифалар аро жилмайиб,
Қаршимда турасан доимо масрур.
Қайноқ туйғуларинг, жўшқин
ҳисларинг
Тонг билан уйимга нирар мисли
нур!

Ҳар бир кунимизни айлаб саркитоб,
Миллионлар қалбига йўл топгунча
то —
Қатрада намоён этгунча офтоб,
Тунлар уйқу қўймас кўзингга
ҳатто.

Сўзлар рудасидан жавоҳир излаб,
Билмайсан ором не, недир фароғат.
Ҳар куни янги бир зафардан
сўзлаб,
Янги давонларни кўзлайсан фақат.

Сафар тулпорида еласан ҳар кун,
Миллионлар қалбига бўлиб
таржимон.
Гўзал Ўзбекистон боғлари бутун
Қаламинг туфайли тилларда достон!

Дерлар, ҳар соҳанинг ўз олими бор,
Дилида яратиш ҳисси ҳукмрон.
Лекин ҳар соҳанинг бир олими бор,
Бу, сенсан, журналист дўстим,
бегумон!

Ишчи ҳам, олим ҳам
Сенсан, дўстгинам,
Сенсан қадоқ қўлли пахтанор
деҳқон,
Шоиру-шифокор бўлиб субҳидам,
Қалбимиз оҳангин тинглаган инсон!

Газета бир соат кечикса баъзан
Биз сени койиймиз билмасдан,
дўстим.
Урганиб қолганмиз,
Отар энги тонг —
Сен ундан жилмайиб турасан
масъум.

Сенинг ўша масъум қарашларингда
Фароғатли замон, нурлар жилоси.
Жўшиб турган қалбинг оташларида
Янги бир дунёнинг порлоқ энёси.

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

ЗАВҚЛИ МЕҲНАТ

Бугун ҳақиқат жарчиси, севимли «Правда»миз 55 ёшга тўлди. Шу нарса қувончлики, «Правда»нинг республикамиз учун тарқатиладиган нусхалари бизнинг цехда нашр этилади. 20 йилдан буён ана шундай шарафли ишни бажариб келяпмиз.

Бу даврнинг ичида «Правда» ҳар томонлама камол топди, тиражи ошди. 1946 йили Ўзбекистонда атиги 50 минг нусхагэ яқин «Правда» ўқиларди. Ҳозир бу кўрсаткич 250 минг нусхадан ортиб кетди. Бундан ташқари, биз босиб чиқарган газеталар Тожикистон, Туркманистон сингари, қардош республика газетхонларига ҳам юборилади.

Бу, цех коллективидан юксак масъулият талаб этади. Ана шунинг учун ҳам босмаханинг инженер-техник ходимлари ўзларига юклатилган вазифани виждонан бажаришга бутун кучларини сарфлаяптилар.

Коллективимиз юбилей йилининг биринчи квартали планини 105 процент бажарди. Хом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш эвазига 20 тонна газета қоғози иқтисод қилиб қолинди.

«Правда» газетасини нашр этишни тезлаштириш мақсадида фототелеграф ишга туширилди. Энди фототелеграф тўғридан-тўғри Тошкентга Москвада тайёрланган матрицанинг негативини олиб беради. Биз бу негативдан матрица тайёрлаб, зудлик билан газетани нашр этишга киришамиз. Севимли газетамизни газетхонларга етказиб беришда М. Бабкоя, Ю. Егоров, В. Будачев, А. Еқубжонов, С. Леонтьев сингари инженер ва операторларнинг, Рамазонов, Набиҳўжаев, Месняпкин, Маҳсумов, Казачков каби газета босувчиларнинг хизматини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Ўтган йили босмахонамиз коллективи Иттифоқимиздаги 32 та шаҳар босмахоналари ўртасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан бошланган мусобақада мукофотли ўрин олди.

Газета-ротация цехининг ишчилари коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номга лойиқ меҳнат қилиш, юбилей йилида меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун курашаверадилар.

А. МУҲАММЕДОВ,
Бирлашган нашриёт газета-ротация цехи бошлиғининг ўринбосари.

Суратда: Тошкент шаҳар, 20-алоқа бўлимининг бошлиғи Шукур Ҳакимжонов ўз шогирдлари орасида.

А. Тўраев фотолари.

МАТБУОТ КУНИ

Меҳнаткашлар босмасининг бойлар думи, капитал хуржуни бўлган тескари матбуотнинг қаршисига ўзининг соф нияти, покиза ҳиммати билан чиқуб ишлайбошлаганига энди ўн йилдирки байрам ясалиб келинадир. Бу кун, истиқбол орзуси, хўмалик кайфи, жунун шароби, босқинчилик дағдағаларига қарши чин Муштум, ҳақиқий гурзининг жавлонига бўлган байрам кунидир. Меҳнаткашларнинг машруъ ҳуқуқлари йўлида тинмай ишлаган ва бу йўлда дунё тарихи кўрмаган муваффақиятлар қозонган меҳнаткашлар матбуоти кунидир.

Неча-неча пўкак бош, ёғоч оёқ акаларни эпка олиб, одам шаванда қилган яна шу меҳнаткашлар чопидир. Кўсаларга соқол; соқоллиларга хина; махховларга даво: давосизларга дард ва барханларга пўшан берган, кўпчиликни якрангу ва янгнусха қилиб фақат бир тўғрида — мазлум мажҳур синф тўғрисида ўйлаган ажабо ким ва нимадир?

— Башарти миянгизга қурт тушиб, муҳокамадан айрилмаган бўлсангиз шўролар чопи ва чопхонасидир, деб билмогингизни ожизона илтимос қиламиз! Бобомиз «Правда» бизо болалари дунёга нелмаган вақтда дунёда эди ҳам занжирсиз ҳирслар, қонсираган бўрилар майдонида танҳо эди; чунки ўзининг интилган ғоясининг ким ва нималар учун бўлганлигини, бу йўлда тўкилган қонлар, жонларнинг қолтда ўринлик кетганини хўб тушунган эди. Мана шунинг учун ҳам гала бўрилар ичида у ёлғиз арслон эди. Баракат берсунки соф ният, гидрсиз жиҳод акбар қаршисида ғояси фақат «эзиб ички»гагина ярокли бўлган палид фикрлик муттаҳам қора матбуот ўзининг галаси билан думини хода қилишга маҳбур бўлди.

Энди етти йилдирким, бу ҳақиқат арслони чин маъноси билан яшайдир ва яшаган сари унинг болалари, яъни ҳақиқат тўғрисидаги жонбозлар кўпаядирлар, урчийдилар. Уларнинг борлиқ фидоконрликлари; «мазлум, маҳкур, меҳнаткаш синфининг раҳот-саодати йўлида!».

Журналимиз ҳам шу ҳақиқат оловиннинг учқунидир. Шунинг учундирким биз тегиб ўтган қитиқлик ерлар эгасини чўчитмай, жонларни ачитмай қўймайдир. Чунки биз ҳақиқат ўтининг учқунимиз, биз бутун руҳни, борлиқ маъноси шу арслон бободан оламиз. Биз тескариликнинг, капиталнинг, эгрилиннинг душманиднрмиз, негаки бобомиз шундай эди: биз риоясизлик, андишасизлик, ошна-оғайниларни сийламаслик ҳунарининг энг учида турамиз; чунки бобомизнинг васияти бу, биз мазлум ишчи синфининг йўлига жон берамиз; негаки...

Матбуот кунимизга бағишланиб ёзилган бу мақолани меҳнаткашлар матбуоти тўғрисида марказий матбуот комиссиясининг шу ораларда тузиб шўролар иттифоқи Марказий Комитетининг тасдиқига топширган низомномасининг бир ўрнини кўчириш билан тамомлаймиз: «Меҳнаткашлар матбуотига хусусий шахсларнинг ҳам, маъмурларнинг хиёнатларини ва шул фирқа ҳам иқомат ташкилотларининг хато ва нуқсонларини очиб кўрсатмоқ ҳуқуқи бериладир». Демак, матбуотимиз яна кенг ҳуқуқли ясовул бўладир; деман, «Муштум» сир очиш, ҳақиқатни айтиш йўлида яна каттакон амр, яъни «фармони хумоюн» оладир ва бўйнига тумор қилиб осадир. Пичоқ мой устида!...

Яшасин, меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоя қилгувчи озод шўролар матбуоти!

Битсин, энг сўнгги ёвимиз бўлган мустамлакачи ва хиёнатчи ўғрилар!

ЖУЛҚУНБОЙ.
5-нчи май, 1924 й, «Муштум», 1924 й № 2.

ҚИШЛОҚ МУХБИРИ

Мен илгари Тожи ака Хушназаров билан яқиндан таниш бўлмасамда, район, область ва республика газеталарида унинг қалб қўри, ўткир зеҳни билан ёзилган ўқимишли мақола ва лавҳаларини тез-тез ўқиб турардим. Мана, ҳозир Тожи ака ҳузуридаман. Отахон билан мириқиб суҳбатлашдим.

Тожи Хушназаров матбуотимиз ветераналридан бири. Унинг дастлабки мақолалари 1924 йилларидан бошлаб газета саҳифаларидан ўрин олган. Кейинчалик «Қизил Узбекистон» газетасида Т. Хушназаров имзоси билан ёзилган хабарлар кўзга ташлана бошлади. Ер ислоҳотини ўтказиш, коллективлаштириш йилларида ҳам Тожи ака газеталарда хат-хабарлар билан қатнашиб турди. Унинг мақолалари фантларга бойлиги, нишонга тўғри тегиши билан ажралиб турарди.

Тожи Хушназаров колхоз қурилишида актив иштирок этди. Охунбобоев номли, «Қаҳрамон», «Намуна», «Қайтмас», «Қизил ой» сингари колхозлар Тожи Хушназаровнинг фаол иштироки билан тузилди. Ўша йилларда уни «Тожи агроном» деб аташарди. Тожи ака ёшлигиданоқ деҳқончиликни яхши билганлиги туфайли колхозларда экин экиш парвариш қилиш, унинг маслаҳатлари билан олиб бориларди.

Коммунист Тожи Хушназаров 1929 йили «Қизил Узбекистон» газетаси редакциясига ишга таклиф этилди: газетада адабий ходим, бўлим мудири, сайёр мухбир бўлиб ишлади. 1932 йилдан 1938 йилгача «Оҳангарон ҳақиқати» газетасида редактор бўлиб ишлади, 1939 йили яна «Қизил Узбекистон»га чақириб олинди. 1943.1951 йилларда яна «Оҳангарон ҳақиқати» газетасига редакторлик қилди.

Тожи ака ҳозир пенсионер. Еши 70 дан ошди. Ун олти йилдан буён қишлоқ кутубхонасига мудирлик қилиб келяпти, кишилар қалбига нур тараятпти.

Кекса мухбир колхоз-совхозларда тез-тез бўлиб, илгор чорвадорлар, миришкор боғбонлар, сут бўлогини тошираётган азамат сут согувчилар тўғрисида район, область, республика газеталарига хабар, мақола ва лавҳалар ёзиб турибди.

Сўқмоқ йўлдан бир киши фермага шошиб боряпти. Демак, тез кунда газетада Тожи отанинг илгор чорвадорлар ҳаётини акс эттирган лавҳаси босилади. Соч-соқолига оқ оралаб қолган, ҳаракатчан бу кишининг ҳар бир куни ана шундай умидли режаларни амалга ошириш билан ўтади.

Т. СОЙНАЗАРОВ.

ҲАҚИҚАТ МАКТАБИ

Яқинда Москвага командировкага борган эдим. Асосий ишимдан ташқари, редакция газетамизнинг собиқ ходимлари — Юрий Арбат, Леонид Ленч, Пётр Алексеев, Александр Воробейчиков, Николай Прокофьев, Георгий Меликянц, Александр Егоровларни «Правда Востока» юбилейига таклиф этишни сўраган эди. Гарчи, мен собиқ ходимларнинг ҳаммаси билан учрашолмаган бўлсам-да, уларнинг ҳаммаси ҳам газетамизни саминнят, мамнуннят билан эслашини сездим.

Юрий Андреевич Арбатнинг хотирасига қойил қолиш керак. У «Правда Востока» билан хайрлашганига 10 йилдан ортик вакт ўтган бўлса ҳам яқин ўтмишнинг жуда майда-чуйдаларигача эсида сақлаганига ажабланасан, киши. Албатта, у даставвал Тошкент ва тошкентликларнинг аҳволини сўради. Лекин, менга саволлар бераётиб, йўл-йўлакай ўтган воқеаларни эслаб қоларди.

— Сима Мельников қалай, яхши юрибдими? — сўради Юрий Андреевич ва ҳозирги масъул секретаримизнинг ёш газетачилик чоғларини эслади. — Халиям ўшандай спортга ишқивоздир? Эсимда, у физкультура ҳаётини жон-дили билан ёритарди. Ўзиям жуда меҳнаткаш-да.

«Правда Востока»нинг собиқ ходими Олег Орестовнинг номини тилга олганда ҳам ўтган кунларни тасвирлаб кетди. Олег Орестов «Правда Востока»нинг Михаил Шевердин бошчилик қилган халқаро бўлимида ишларди. Ҳозир у «Правда»нинг Лондондаги мухбири. Ўша вақтда ҳам газетамиз хорижий Шарқ ҳаётини кенг ёритарди.

— Олег билан Михаил Ивановичнинг жуда иноқ ишлашарди. Биринчиси ёшлиги ижиқинчисининг тажрибаси билан қўшилиб яхши самара берарди. Улар республика газетхонларни кўз олдида капиталистик дунё қарама-қаршиликлари, Афгонистон, Эрон, Ҳиндистондаги сиёсий манзараларни равшан намоён қилишарди.

Суҳбатда тилга олинган ҳар бир фамилия хотиралар калавасининг учини ёзарди.

— Коля Прокофьевми? У «Красная Звезда»да ишлаяпти. Коля билан албатта гаплашинг. У Николай Звездин ва Улуғ Ватан уруши фронтларига кетган бошқа ходимларимиз ҳақида ҳаммадан кўпроқ гапириб беради.

«Правда Востока» Александр Пинт, Михаил Яновский сингари жуда кўп ҳарбий мухбирларни етиштириб чиқарди.

Яна саволлар ёғилади. Ольга Логинова нима қилиб юрибди-кин? Володя Михайлов, наҳотки, пенсионер бўлиб қолган? Ажойиб репортёр эди. Петя Шахназаров-чи?

Ольга, Володя, Петя... Бундай кичрайтма отлар менга галати кўринади. Мен Ольга Николаевна, Владимир Гаврилович, Петр Александрович деб ўрганиб қолганман. Ўшандан буён кўп сувлар оқиб кетди. Менинг кўз ўнгимда ҳам «Правда Востока»нинг ўнлаб ходимлари бошқа матбуот органларига ўтиб кетишди. Бу ҳам газетамизнинг хизматларидан бири бўлса керак.

Георгий Меликянц бизда илгари адабий ходим, кейин адабиёт ва санъат бўлимининг мудири эди. Ҳозир у «Известия»нинг маданият ва маиший бўлим редакторининг ўринбосари. «Правда Востока» фарзандларидан Леонид Топорков, Евгений Болотин, Георгий Димовлар ҳам «Известия»нинг мухбирлари. Евгений Сорокин «Советская Россия» газетасининг мухбири.

Москвадаги Савелов вокзали яқинида қад кўтарган «Правда» журнал комбинатининг ўнбиринчи қаватига хушнудлик билан кўтарилдим. «Журналист» редакторининг ўринбосари, ўзимизнинг Саша Егорова билан учрашаётганимдан жуда қувонардим.

Шу ерда номи тилга олинган кишилардан ҳар бири «Правда Востока»да вояга етди, ҳар бири газетамизга ҳаётининг бир бўлагини бағишлаган. Баъзилари газетамизда 2-3 йил, Геша Димов эса 20 йил ишлаган. Шунинг учун табиийки, уларнинг ҳаммаси газетамизни ўз газетаси деб ҳисоблайди, ҳамиша қадрлайди.

«Правда Востока» ярим асрлик тарихи мобайнида ҳамиша Узбекистон партия ташкилотининг жанговар ёрдамчиси бўлиб келди. Редакциянинг камтарин, кўзга кўринмас, лекин муҳим қирраларидан бири—газета кадрларини тайёрлаш, тарбиялаш эди.

«Правда Востока» мактаби ана шундай мураббийлик бурчини бажарди.

Я. НУДЕЛЬМАН.

«ТАБУРЕТКА САРГУЗАШТИ»

(РЕПОРТАЖ)

Ҳар касбнинг ўз гашти ва ташвиши бор. Боғбон ниҳол экиб боғ қилади, археолог ер қазрини ўрганиб, моддий ёдгорликлар топади, унинг тарихимиздаги салмоғини белгилайди. Шундай касбдаги кишилар борки, улар қадам ранжида қилган ҳар бир хонадонларига табассум ҳадя этишади, хушхабардар этишади.

Соат 8 бўлганча нўқ. Пойтахтдаги 20-алоқа бўлимида иш қизғин. Алоқа хизматчиларининг қўли қўлига тегмайди.

Соат 9 бўлиши билан оқ кимдир армияда йигитлик бурчини ўтаётган ўғлига табрик телеграммаси йўллади, яна бирда почта переводи чекига қўл қўймоқда. Почтальонларнинг олди сумкасини осиб, газета-журнални уйма-уй тарқатиш учун йўлга тушди. Бу ишларнинг ҳаммасига Шукур ота бошқош.

...1928 йилнинг январи. Шукур ака Ҳажмалдаги алоқа бўлимига хат ташувчи бўлиб ишга кирди, биринчи бор почтальонлик сумкасини елкага осди. У пайтларда хат ташувчилик сермашаққат эди. Транспорт етишмас, хизмат қилиладиган территория катта. Тошкентдек шаҳри азимда алоқа бўлимининг ўзи кам эди. Ҳажмалдан йўлга чиққан почтальон Ҳадра, Ўрда, Ишчилар шаҳарчаси орқали ўтиб, яна Ҳажмалгача бўлган масофани яёв босиб ўтиши керак. Ана шундай вазифани чидам ва ғайрат билан бажарган хизматчини Ҳамза театри яқинида очилган янги алоқа бўлимига ишга олишди. Бу ерда ҳам енг шимариб ишлади. 1931 йилда уни Уйғур кўчасидаги алоқа бўлимига бошлиқ қилиб тайинлашди. Мана, 36 йилдирки, Шукур ака шу вазифада узлуксиз ишлаб келмоқда.

Тошкентдаги ҳамма алоқа бўлимларида отанинг шогирдлари ишлаган ёки ишламоқда десак, муболаға бўлмайди. Чунки, Куйбишев район алоқа узелининг бошлиғи Абдулла Нўлдошев, 49-алоқа бўлимининг бошлиғи Жўрабой Ҳошимов, 109-алоқа бўлимининг бошлиғи Тўлаган Сайдиллаев, шаҳар почтамтининг бош инженери Нўлдош Раҳматуллаевлар ҳам алоқа хизматидаги меҳнат фаолиятини Ш. Ҳакимжонов қўлида почтальонликдан бошлаган.

—1955 йилда пенсия тайинлашди, аммо қуриб турибсиз, ҳали ҳам ишдаман. Ёил ўн икки ой кўпдаб хат-хабар, телеграммаларни ўз эгаларига етказамиз.

Партия ва ҳукуматимиз тинмай-тинчимас, камтарин отахонинг салкам 40 йиллик самарали меҳнатини муносиб тақдирлади. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Намунали меҳнати эвазига медаллар, Фахрий ёрлиқлар, министрликнинг раҳматномасини, пул ва қимматбаҳо буюмлар олган. Шукур ота алоқа хизмати аълочиси. Ш. Ҳакимжонов узоқ йиллик меҳнат фаолиятида давлат планини бажаролмай қолган йили бўлмаган.

Уч фарзандинг отасан, 20 га яқин ниҳолларнинг бувоси, бутун маҳалланинг муътабар отахони Шукур Ҳакимжонов 71 қишни кузатиб 71 баҳорни қарши олди. Отахон ҳали бардам, кўринишдан, муомаласи ва ишлаб чарчамаслиги қирчиллама йигитни эслатади. Отахоннинг қизи Зарифахон фабрикада инженер, КПСС XXIII съезднинг қатнашчиси, ўғли Маъсуджон ҳам инженер, Зокиржон эса шаҳардаги 26-алоқа бўлимининг бошлиғи.

У суҳбатимиз интиҳосида «табуретка саргузашти»ни сўзлаб берди. Отахон, 1928 йил январида почтальон бўлиб ишга кирган куни ўтирган табуретка, то шу кунга қадар, у кишининг «ҳамроҳи» экан. Отахон қаерда ишласа, у ҳам ўша ерда.

— Кенжатой набирам почтальонлик ёшига етса, ана шу табуреткани унга совга қиламан. У ҳам шу табуреткада ўтириб, ёшларнинг раҳматини қарияларнинг дуосини эшитсин, халқ хизматкори бўлсин!

У. АБДУАЗИМОВ.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

✦ Бутуниттифоқ китоб палатасининг маълумотларига кўра, мамлакатимизда 1966 йилда 1913 йилдагига нисбатан газеталар сони 7,6 баравар, журналлар сони 3 баравар ва китоблар сони 2,4 баравар кўпайди.

✦ Ўтган йили СССРда 110,4 миллион нусхада 7.967 газета чиқарилди. 1967 йилда газета обуначиларининг сони яна ҳам кўпайиб, газеталарнинг бир галлик тиражи тахминан 120 миллион нусхага етди.

✦ Совет ҳокимияти йилларида журналларни нашр этиш беқиёс даражада кўпайди. Мамлакатда 1922 йилдагига нисбатан журналлар сони 3,6 баравар ортди, уларнинг бир йиллик тиражи 120 баравар кўпайди.

Суратда: «Тошкент бинокори» газетаси редколлегия аъзолари газетанинг навбатдаги сонини нўздан кечирмоқдалар.

ОТАШ ЙИЛЛАР ХОТИРАСИ

Шундай қутлуғ кунларда яшаётганимдан, юбилей йилини бутун халқим билан биргаликда нишонлаётганимдан беҳад хурсандман. Ўтмишда нанки қиз кўриш бахтсиз ҳисобланарди, ўғил кўриш ҳам оғир мусибат эди. Қўл учида кун кўрувчи отам Пирмуҳаммад уста оиласида еттинчи фарзанд—менинг туғилишим усиз ҳам оғир турмушни мушкуллаштирди.

12 ёшда ҳам отамдан, ҳам онажоримдан ажралдим. Яхшиямки бахтимизга инқилоб бўлди, етимлигимизни билдирмай, дил меҳри билан ардоқлади, тарбиялади.

Янги ҳаёт эрк ва озодлик ғанимларига сира тинчлик бермади. Улар ўлиб-қутилиб, инқилоб зафарларини йўққа чиқаришга интилдилар. Шаҳрисабз тўраси Саид Акромхоннинг қўлида тоғам Ҳамдам Ҳолиқов новкарлик қилади. Лекин у Самарқанд тоғларидаги Қизил аскарларга бориб қўшилди. Тоғамнинг ўрнига мени тутиб олишиб, оёқ қўлимга кишан солишди, 19 кун ит кўрмаган азобларни беришди. Ўшанда зулмкашларга ғазаб билан қарашни ўргандим. Энди менга икки қарама-қарши дунё—мазлумлар ва ҳукмдорлар дунёси аён эди...

Шаҳрисабз ва Китоб ҳам Советлар ҳокимияти қўлига ўтди. Ўша вақтларда «Қизил Ўзбекистон», «Камбағал деҳқон», «Колхозйўли», «Ишчи» газеталарига, «Муштум» ва «Мухбирлар йўлдоши» журналларига катта-кичик мақолалар билан қатнашдим. 1930 йили рабфакни битириб «Қизил Ўзбекистон» редакциясига ишга таклиф қилиндим.

...1934 йили газетанинг Сурхондарё области бўйича мухбири қилиб тайинландим. Ўша вақтда бу ерда бой ва қулоқларнинг думлари тарих ғилдирагини орқага сурмоқчи бўлиб, янгилик жарчилари жонига қасд қилишарди. Ўша йили февраль ойида П. Нурмат имзоси билан бир фельетоним босилди. Орадан икки кун ўтар-ўтмас фельетон «қаҳрамонлари» жонимга қасд қилишиб икки оёғимни болта билан кесиб ташладилар, томогимни ҳанжар билан бўғизладилар.

Ҳаётимни сақлаб қолиш учун фидокор шифокорлар қўлларидан келган ҳамма нарсани қилишди. Мени улим чангалидан қутқариб қолишди. Партия топшириғи билан Китоб, Янгиқўрғон, Деҳқонобод, Шофиркон, Ғузор район газеталарида адабий ходим, масъул секретарь, редактор вазифаларида ишладим. Қўлимдан келганча қаламим тиғини халқим хизматига бўйсундирдим.

Ҳозир пенсиядаман. Совет матбуоти босиб ўтган машаққатли, аммо шонли йўлда иштирок этганим билан беҳад фахрланаман. Шу байрам арафасида ҳамма қаламкашларга сиҳат-саломатлик, хайрли ишларига барака, ижодларига муваффақият тилайман.

Нурмат ПИРМУҲАММЕДОВ,
Қашқадарё область Китоб районы.

Виктор ТЕЛЬПУГОВ

КОММУНИСТИК САЛОМ

ҲИКОЯ

«Пионерская правда» газетасининг хатлар бўлими жойлашган кичкина, пастқам хонага ёши анчага бориб қолган, тўлароқ, сочлари оқарган аёл кириб келди. Қизил галстукли қиз ҳайрон бўлиб сўради:

— Сизга ким керак?

Аёл шошилмай, вазминлик билан жавоб берди:

— Хатларни кўрмоқчи эдим. Болалар ёзган хатларни.

Аёлнинг истараси қизга жуда иссиқ, таништдай туюлди. Қаерда кўрган эканман, деб эсламоқчи бўлдию, сўнг сўради:

—Сиз қаердан, кимсиз?

— Мен маориф халқ комиссариниг ўринбосариман. Хатларни кўришга ижозат берасизми?

— ?...

— Ҳа, нега таажжубландинг? Хатларни одамлар ўқишсин деб ёзишади-да.

— Ўртоқ маориф халқ комиссарининг ўринбосари, бугун редакциямизга бир юз етмиш иккита хат келди. Шулардан энг муҳими, энг қизиқарлиларини ажратиб берайми?

— Бир йўла ҳаммасини бера қол. Бу ерда ҳаммасини кўриб улгурмасам, қолганларини уйга олиб бориб ўқийман. Бугун келган юз етмиш икки хатнинг ҳаммаси ҳам муҳим, қизиқарли эканлигига аминман...

Эртаси куни эрталаб чопар хатлар солинган жилтни редакцияга олиб келди. Унда кичик ёзишма ҳам бор эди: «Хатларнинг ҳар бирини жуда ҳузурланиб ўқидим. Раҳмат. Яқин кунларда яна бораман. Н. К.».

Ўша кундан бошлаб Надежда Константиновна «Пионерская правда» редакциясига тез-тез келадиган бўлиб қолди. Олдиндан огоҳлантириб қўймай, кўнгироқ қилмай, тўсатдан келаверарди. Қизлар «ассалом» дейишга улгурмасданоқ у столдаги ранг-баранг, ҳар хил марка ёпиштирилган, мамлакатимизнинг турли шаҳар, қишлоқларининг муҳри босилган хатларни чаққонлик билан нўздан кечирарди. Ўқирди, қўйин дафтарчасига нималарнидир ёзиб, белгилар қўярди. Бировга гапираётандек ўз-ўзига пичирларди:

— Хат ташувчи ҳар кун бу ерга бир қоп олтин келтираркан. Ҳар кун!

Шундай қилиб мамлакатнинг турли шаҳар, қишлоқларига шошилинч равишда ҳукумат телеграммалари жўнатила бошлади. Узун оқ ленталар бураб-буралиб, бир-бирига уланиб кетади:

Акмолинскдаги биринчи отряд пионерларига. Тарих дарсликлари, албатта, юборилади. Ўқишларингга муваффақият тилайман...

Вишне Волочокнинг ёш тяжатшуносларига, Сизларнинг гербарийларингизни Москвадаги кўргазмага қўйишга қарор қилинди. Бошлаган ишларингизни давом эттиринглар...

Амдермадаги мактабнинг директорига. Бемор пионер Тэнекони кўриш учун врач самолётда учиб кетди...

Ҳар бир телеграмманинг остида қуйидаги сўзлар бор: «Коммунистик салом билан. Крупская».

Ҳатто, ғўдаклар «ёзишган» ҳарфи-ҳарфига, сўз-сўзига қовушмайдиган хатлар ҳам унинг эътиборидан четда қолмасди:

— Бу болага айтинглар, эртага менинг олдимга келсин,— деди Надежда Константиновна москвалик ўқувчининг шеърини ўқиб бўлгач.

Эртасига Маориф халқ комиссарлигининг қабулхонасига кутилмаган меҳмон келди. Секретарь, уни бўсағада тўхтатди:

— Қаерга боряпсан?

— Маориф камиссариниг ўринбосари олдига. Мумкинми?

— Қаердан келдинг ўзи?

— Мактабдан. Биринчи чоранда арифметикадан ёмон баҳо олган эдим. Ўринбосарга айтинг, мен табелимни олиб келдим...

Бола кабинетга кириши билан Ильичнинг икки дераза оралиғидаги деворда турган портретини кўрди. У бундай суратни илгари ҳеч жойда кўрмаган эди. Ленин кўзларини бир оз қисиб, ниманидир эслаётгандек, болага сезгирлик билан тикилиб турарди. Боқишлари бирам меҳрибон, эркаловчи, шу билан бирга талабчан ҳам.

— Шеърларинг менга ёқди. Маъқул. Ленин арифметикадан баҳоларингни тузатишинг керак.

Ким гапиряпти? Оҳиста, нўқ-рандан чиқаётган товуш кимники?..

Бола Ленин билан учрашгандек, у билан сўзлашаётганден эди.

Кўчага чиқиб, орқасига ўгирилди. Надежда Константиновна деразадан қараб турар, ажин босган юзларидан нур ёғилар, кўзлари Ленининг кўзларига жуда-жуда ўхшаб кетарди.

Боланинг чўнтагида хат бор. Унда майда-майда ҳарфлар билан қуйидаги сўзлар битилган: «Москва пионерлар уйчнинг директорига. Истеъдодли бола Серёжани сизнинг ҳузурингизга юбордим. Уни адабий тўгаракка қабул қилишингизни илтимос қилардим. Арифметикадан баҳоларини тузатади. Сўз берди».

Одатдагиден, хатнинг охирига имзо ченилган: «Коммунистик салом билан Н. Крупская.»

* * *

Москва пионерлар уйида жуда кўп ана шунақа хатлар сақланади. Мен уларнинг ҳаммасини ёддан биламан. Ленин уларнинг ҳар бирини янги хатларден яна қайта-қайта ўқишга тайёрман.

С. НУРОВ
таржимаси.

(К. МАРКС ТУҒИЛГАНИГА 149 ЙИЛ ТЎЛДИ)

УЛУҒ НАЗАРИЁТЧИ

Социализмга, шу билан замонамизнинг бутун ишчилар ҳаракатига ҳам, биринчи марта илмий асос солган киши — Карл Маркс.

Ф. ЭНГЕЛЬС.

Илмий коммунизмнинг асосчиси, халқаро пролетариатнинг улуғ устози ва доҳийси, гениал назариётчи, буюк революционер Карл Маркс дунёга келганига бугун 149 йил тўлди. Унинг илмий ва сиёсий қараш-лари йирик тарихий воқеаларга бой бўлган бир даврда, Германия революцион ҳаракат марказига айланган бир шароитда шаклланди.

Капиталистик тузумга қарши революцион курашчи сифатида майдонга чиққан Маркс илғор ғояларни пропаганда қилишда, сиёсий реакцияга қарши курашда «Рейнская газета»дан минбар сифатида фойдаланди. Маркс шу газетага редакторлик қила бошлагач газетани революцион-демократик ғояларнинг тарғиботчисига айлантириб, Германиядаги социал, сиёсий ва маънавий зулмга қарши ўт очди. Маркснинг улуғ назариётчилик таланти Гегелнинг идеалистик фалсафасини танқид қилишда ва ўзига қадар механик, метафизик характерда бўлган материалистик дунё қарашларни ривожлантиришда яққол намоён бўлди. У ўзининг гениал асарларида илмий коммунизмга асос солди.

Маркснинг буюк тарихий хизмати шундаки, у пролетариатнинг тарихий вазифасини, яъни инсоннатни ҳар қандай зулм ва эксплуатациядан озод қилиш вазифасини белгилаб берди. Янги ижтимоий тузум — коммунизмга бориш йўлини кўрсатиб берди. Маркс ўзининг классик асарларида пролетариатнинг жаҳоншумул-тарихий вазифасини илмий жиҳатдан асослаб, ишчилар синфи буюк ижтимоий куч сифатида дунёни революцион асосда қайта қуришга қодир эканлигидан башорат берди. «Маркс таълимотида энг асосий масала — социалистик жамиятни яратувчи пролетариатнинг бутун дунёда тарихий аҳамнятга эга бўлган ролини аниқлашдан иборатдир» деган эди В. И. Ленин. Бу гениал кашфиёт натижасида социализм утопиядан фанга айланди, ўсиб бораётган революцион синфнинг тақдири билан боғланди, янги, революцион-материалистик дунёқараш — пролетариат идеологиясига асос солинди.

Икки буюк дўст Маркс билан Энгельс биргаликда яратган «Немис идеологияси» асарида тарихий материализмга асос солинди. Маркс бу асарда биринчи марта ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг объектив равишда алмашиши ҳақидаги ғояни олға суриш билан, капитализм жамиятининг ҳалокати муқаррарлигини исботлади ва социалистик революцияни амалга ошириш зарурлигини назарий жиҳатдан асослаб берди. У капиталистик жамиятни йўқ қилмоқ учун пролетариат сиёсий ҳокимиятни ўз қўлига олмоги керак деб ҳисоблади. Бу фикр замирида пролетариат диктатураси ҳақидаги таълимот илгари сурилган эди. Марксниг «Фалсафа қашшоқлиги» асари коммунизмнинг назарий асосини — диалектик ва тарихий материализмни ишлаб чиқишда йирик қадам бўлди. Бу асарда буржуазия сиёсий иқтисодининг бутун иллатлари очиб ташланди. У эксплуатация, қашшоқлик, кризис капитализмнинг йўлдоши эканлигини, бу асоратдан қутилишнинг бирдан-бир йўли капиталистик ишлаб чиқариш усулини йўқ қилиш экачлигини илмий жиҳатдан кўрсатиб берди.

Маркс ва Энгельс революцион назарияни ишлаб чиқар эканлар, уни ишчилар синфининг мулкига айлантириш, пролетариатни курашнинг мақсади ва усуллари билан қуроллантиришга интилдилар. Бу борада 1846 йилда улар томонидан ташкил этилган Брюссель коммунистик корреспондент комитети биринчи қадам бўлган эди. Кейинчалик улар коммунистлар иттифоқининг раҳбари сифатида «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган жанговар шиорни эълон қилдилар. Коммунистларнинг биринчи халқаро ташкилоти бўлган бу иттифоқнинг программаси — «Коммунистик партия манифести»ни Маркс ва Энгельс ижод этишди.

«Коммунистик партия манифести» классик асари илмий коммунизмнинг программ ҳужжати бўлиб, унда биринчи марта марксизмнинг, унинг уч таркибий қисми — фалсафа, сиёсий иқтисод ва социализмнинг ихчам ва изчил таърифи баён этилди. Бу асарда, деган эди В. И. Ленин, янгича дунёқараш, яъни ижтимоий ҳаёт соҳасини ҳам ўз ичига олган изчил материализм, тараққиёт тўғрисидаги энг мукаммал ва чуқур таълимот бўлган диалектика, синфий кураш назарияси ва янги, коммунистик жамият ижодчиси бўлган пролетариатнинг оламшумул-тарихий революцион роли тўғрисидаги назария доҳиёна бир суратда аниқ ва равшан баён этилган.

«Манифест»да капитализмнинг ҳалокати, пролетар революциясини амалга ошириш ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш натижасида янги, синфсиз жамият ўрнатилиши муқаррар эканлиги илмий жиҳатдан мукаммал асослаб берилди. Асарда капитализмнинг гўркови сифатида тарих майдонига чиққан пролетариатнинг тарихий йўлининг диалектикаси ишлаб чиқилди, коммунистик партиянинг раҳбарлик роли тўғрисидаги ғоя олға сурилди, пролетариатнинг муваффақиятли кураши ва ғалабасини таъминловчи бирдан-бир куч — революцион назария билан қуроллаган коммунистлар ишчилар синфининг илғор отряди эканлиги таъкидланди.

«Манифест»да пролетар партиясининг программаси билан бир қаторда унинг тактикасининг назарий асоси ҳам белгилаб берилган эди. Бутун ишчилар ҳаракати ва революцион ҳаракатнинг программаси бўлган «Манифест»да пролетар интернационализми принциплари назарий томондан жуда чуқур ишлаб чиқилди. Пролетариат ҳукмронлиги, — дейишган эди Маркс ва Энгельс, миллий зулмга чек қўяди, инсониятни босқинчилик, таланчилик урушларидан халос қилади. Бир сўз билан айтганда, бу асар пролетариат революцион назариясини ривожлантиришда янги гигант қадам бўлди.

Марксниг таълимоти — пролетариатнинг идеологияси, унинг асл мақсадларининг илмий ифодаси бўлиб қолди. Марксниг илмий жасорати ўзига қадар бўлган илмий тафаккурнинг энг юксак чўққисидир. Марксниг таълимоти пролетариатнинг капиталистик зулмдан озод бўлиши учун курашда маънавий қурол бўлиб қолди. Энгельс Марксниг буюк назарий кашфиётларининг бебаҳо қиммати ҳақида, марксизм тўғрисида гапириб, бундай деган эди: «Маркс бизларнинг ҳаммамиздан кўра юқорироқ турар, узоқроқни кўрар, кўпроқ ва тезроқ назар солиб турар эди. Маркс доҳий эди, бизлар жуда деганда, истеъдодли кишилар эдик, холос. Агар у бўлмаганда эди, назариямиз асло ҳозирги ҳолига келмаган бўлар эди. Шу сабабдан бу назариянинг унинг номи билан аталиши жуда тўғри».

Маркс назариясининг ғоят чуқур мукаммал ва муфассал тасдиқи, татбиқи унинг иқтисодий таълимотидир. Улуғ олим ва революционер илмий фаолиятининг энг юксак чўққиси буюк «Капитал» асарида мужассамлашган. У «Капитал»га ёзган сўзбошисида: «Менинг асаримнинг пировард мақсади — ҳозирги жамият», яъни капиталистик, буржуа жамияти «ҳаракатининг иқтисодий қонунини очиб беришдир», — дейди. Ушбу, тарихий жиҳатдан муайян жамиятнинг ишлаб чиқариш муносабатларини шу муносабатларнинг пайдо бўлиши, тараққий этиши ва таназзулга юз тутиши асосида текшириш Маркс иқтисодий таълимотининг мазмунини ташкил этади.

Маркс капитадистик жамият ҳаракатининг иқтисодий қонунини кашф этди, шу жамиятнинг пайдо бўлиши, тараққиёти ва тушкунликка учрашини таҳлил қилиб, унинг тарихан чекланган, тарихан ўткинчи характерда эканлигини илмий асослаб берди. У капитализм ўз тараққиётида келажак социалистик жамият учун моддий шароит яратиб беришини, ижтимоий куч бўлган пролетариат эса капитализм устидан тарих ҳукмини чиқариб, уни емириб ташлашини кўрсатиб берди. У капиталистик эксплуатация механизмини анализ қилиб, қўшимча қиймат ҳақидаги таълимотни яратди. Бу таълимот Маркс иқтисодий назариясининг асоси ҳисобланади. Марксниг инсоннят жамияти тараққиёти тўғрисидаги таълимотидан кейинги иккинчи кашфиёти қўшимча қиймат ҳақидаги таълимотидир.

Маркс бу улуғ асарда фақат ўзининг иқтисодий таълимотигина якунлаш билан чекланиб қолмади. Шу билан бир қаторда ўз материалистик диалектикасини ижодий жиҳатдан янада бойитди. «Капитал»да Марксниг фалсафа, сиёсий иқтисод ва социализм ҳақидаги таълимоти мужассамлашган.

Маркс ўз ҳаётининг мазмунини фақат капитализм ҳалокати аниқлигини ва пролетар революциясининг ғалабаси муқаррарлигини илмий жиҳатдан асослаб беришдангина иборат деб ҳисоблаган эмас. У ишчилар синфини уюштириш, бирлаштириш ва тарбиялаш борасида жуда кенг масштабда таш. килий ишларни амалга оширишга шахсан бошчилик қилди. 1-Интернационалдаги жўшқин ишлари унинг партиявий-сиёсий фаолиятининг ажойиб намуналаридандир Интернационалнинг асосий ҳужжатлари Маркс томонидан ёзилган эди. У Интернационалнинг асосчиси, ташкилотчиси, доҳийси эди. Маркс раҳбарлик қилган Интернационал социализм учун пролетар, халқаро курашга асос солиб, ўз тарихий ролини бажарди.

Халқаро пролетариатнинг улуғ устози Маркс ўз асарларида ҳар бир мамлакатда пролетар партияси тузиш вазифаси тўғрисида фикр юритар экан бу ишни амалга оширишда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусияти, экономикаси, сиёсий ҳаёти, у ердаги синфий курашни, ишчилар ҳаракатининг даражасини ҳисобга олиш кераклигини уктирган эди. Бизнинг назариямиз догма эмас, балки ҳаракат учун қўлланмадир, дейишган эди Маркс ва Энгельс, марксизмнинг ижодий характерини таъкидлар эканлар.

Маркс ва Энгельс ишчилар синфини курашга отлантирар эканлар, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Россия Европа революциясига далда берадиган мамлакат бўлади, деб башорат қилган эдилар. Дарҳақиқат, тарих уларнинг башорати ҳақ эканлигини тасдиқлади. Бизнинг мамлакатимизда амалга оширилган Улуғ Октябрь инқилоби бутун жаҳон тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Бу революцияни амалга оширишга В. И. Ленин, у тузган Коммунистик партия бошчилик қилди.

То Октябрь революциясига қадар В. И. Ленин Маркс ва Энгельснинг тенги йўқ буюк революцион таълимотини янги тарихий шароит тақозосида ижодий ривожлантирди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев Германия Бирлашган социалистик партиясининг йиғинда бўлиб ўтган VII съездида сўзлаган нутқида. Маркс ва Энгельс ватанида коммунизм идеяларининг галабаси учун курашаётган сизнинг партиянгиз съездида ҳар бир коммунист алоҳида тўлқинланиш ҳислари билан ҳозир бўлиб турибди, дейиш мумкин. Бунинг сабаби ҳам маълум — илмий социализм асосчиларининг буюк идеялари, Октябрь тажрибаси билан, социалистик курашнинг жаҳоншумул тажрибаси - билан бойинган мана шу буюк идеялар эндиликда ўз ватанида — немислар диёрида ҳам муваффақиятли равишда амалга оширилаётганлиги алоҳида чуқур маъного эга бўлган фактдир, деди.

Жаҳон пролетариатининг доҳийси ва устози К. Марксниг ўлмас иши Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бошқа коммунистик ва ишчи партиялар фаолиятида яшамоқда.

Ф. ИСМОИЛОВ.

ЗАФАР САТРЛАРИ

БУХОРО («Совет Узбекистони» мухбири). Улуғ Октябрнинг 50 йиллик юбилейига муносиб меҳнат совғалари ҳозирлаш учун курашаётган Навоий райони чорвадорлари областда биринчи бўлиб қорақўл тери тайёрлаш планини бажардилар.

Райондаги «Коммунизм», Охунбобоев номли, Свердлов номли «Бухоро», «Қизил Узбекистон» колхозлари ҳамда «Гигант» совхозининг илғор чўпонлари ҳар 100 бош совлиқдан 135-140 тадан ва ундан ҳам ошириб қўзи олдилар. Навоий райони хўжаликларида баҳорги қўзилатиш кампанияси қизғин давом этмоқда.

Т. НАЗИРОВ.

БУГУН НАМАНГАНДА

АТЛАСЛАР

Наманган шойи тўқиш фабрикасининг жилвагар атласлари, беқасам ва ҳарир рўмоллари Москвада ва бошқа қатор мамлакатларда юқори баҳоланган. Яқинда яна шундай хонатласлардан яна 125 минг метр тўқилди. Бу атласлар Канададаги Совет ярмаркасидан ўрин олади.

Туркиянинг Измир шаҳрида очиладиган Совет виставкасида «Измирликлар ҳам Наманган атласчиларининг «Ёдгорлик» «Кремль» «Наманган ёдгорлиги» деган хонатласларни томоша қиладилар.

ЯНГИ АТЕЛЬЕ

Уйчи кўчасида икки қаватли модалар ателъеси очилди. 40 та тикув ва тугма қадайдиган машиналарда 80 хотин-қиз хушбичим кийимлар тикиб, меҳнаткашларга байрам либоси тайёрлаб беради.

ШИФОКОРЛАР

Медицина билим юртини 228 ёш шифокор битириб чиқди. Битирувчилар республикамизнинг Сирдарё, Фарғона, Андижон, Қашқадарё областларида ишлаш учун жўнаб кетдилар.

ГЎЗАЛЛИК ОШИҚЛАРИ

Наманганликлар ўз шаҳарларини гул, дур ва нур шаҳрига айлантириш истагида «кўркамлик ойи» ўтказдилар. Баҳор мавсумида 33 минг тупдан зиёд манзарали ва мевали дарахт, 14.475 туп энг яхши навли гуллар шаҳар кўчалари ва ҳовлиларига экилди. Ризамат ота чақиригига 30.000 дан зиёд ишчи-хизматчи лаббай деб жавоб берди. Биргина 4 километрдан ортиқ бўлган Ленин проспекти кўчасига 1100 туп олма ва 800 туп чинор экилди. Кўчага турли ташкилотларнинг ишчилари гул кўчатлари экишди.

Охунбобоев, Коммунист, Роза Люксембург, Октябрь 25 йиллиги номли кўчалар ҳам кўркамлашди.

ЗАНГОРИ ОЛОВ ХОНАДОНДА

5- газлаштириш трести ходимлари шу йилнинг ўтган ойларида 4 4 жойга газ плиталари ўрнатиб, меҳнат аҳлини хушнуд этишди.

Болалар муассасалари, умумий овқатланиш тармоқлари, маориф ва медицина муассасаларидан 44 жойга ҳам газ плиталари ўрнатилди.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

ЎҒИТЛАБ ЭКИЛМОҚДА

Амударё бўйларида бу йил баҳор кеч кирди. Об-ҳаво ниҳоятда ёмонлик қилди. Сув ниҳоятда танқис бўлди. Кейинги кунларга қадар ҳаво дам совиб- дам ёмғир ёғиб турди. Оғир шароитда ҳам пахтакорлар бўш келмадилар. Кунлар исиб, қуёш ҳарорати тупроқни қиздириши биланоқ барча хўжаликларда етилган ерларни ҳайдаш ва чигит экиш қизитиб юборилди.

Урганч ва Хазорасп районлари пахтакорлари сув танқислиги билан боғлиқ қийинчиликларни тадбиркорлик билан енгиб, шўр ювишни барвақт ва сифатли ўтказдилар. Чигит экишга эрта киришдилар. Урганч районидаги «Победа» колхозида дала ишлари намунали ташкил этилган. Рўзимат Сандов бошлиқ бригадада чигит экиш билан бир вақтда гектарига 20 тонна ҳисобида фосфор аралашган гўнг солинди. Хазорасп районидаги Карл Маркс номли колхознинг Матёқуб Матназаров бошлиқ 60 центнерчи бригадаси чигит экишни областда биринчилар қаторида тамомлади. Ҳозир уни бир текис ундириб олиш тадбирлари пухта амалга оширилаётир. Райондаги Ленин номли колхознинг Оймонжон Қутлимуродова бошлиқ бригадаси ҳам экишни барвақт тугаллаб, чигитни тўла ундириб олиш чораларини изчиллик билан амалга оширмоқда. Ҳайдаш олдидан гўнг ва минерал ўғит аралашмаси солинган ерларгагина сеялка киритиш ҳамма ерда қонда тусига кирган.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХЎРАНДАЛАР МАМНУН

«Россия» ресторани пойтахтимиздаги энг кўркам бинолардан бирига жойлашган. Чор атрофи ойналар билан ўралган бу ресторанниг ишлайбошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бу ер хўрандаларнинг севимли жойига айланиб бормоқда. Чунки ресторанда тайёрланаётган хилма-хил лаззатли таомлар, ходимларнинг хушмуомалалиги хўрандаларни мамнун этмоқда. Шунинг учун тўрт ойлик план муддатидан олдин ошиғи билан бажарилди. Пландаги 19 минг сўм ўрнига 23 минг сўм давлатга фойда келтирилди.

З. АХТЯМОВА.

ШИНГИЛ ХАБАРЛАР

АНДИЖОН. Бўз район марказида «Баҳор» магазини ва «ВЛКСМ 40 йиллиги» кинотеатри фойдаланишга топширилди.

Т. ҲАМИДОВ.

●

БУХОРО. Вобкент район марказида янги алоқа бўлими ишлай бошлади.

Д. РАМАЗОНОВ.

●

САМАРҚАНД. Нарпай районидаги 56-мактаб боғига ўқувчилар 500 туп мевали дарахт кўчатлари ўтказдилар.

С. ХУДОЯРОВ.

Бугун Туркманистонда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси очилади

Қўшмиллатли совет халқлари бири-бирига ога-инидек меҳрибон, дўст,ҳамкор ва ҳамнафасдир. Уларнинг мақсади ва маслаги ягона — тинчлик, дўстлик, қардошлик. Бири-бирига устод-муаллим, қалин борди-келдилари бор. Айниқса, қардош республикалар адабиёти ва санъати ўн кунликларини ўтказиш ажойиб анъанага айланган. Ўтган йили қуёшли диёримизда олтин куз фаслида туркман оғаларимизнинг адабиёти ва санъати ўн кунлиги ўтказилган эди. Мана бугун гўзал Ашхободда ўзбек маданияти байрами тантанали очилади. Сиз кўриб турган бу суратлар ўтган йили республикамизда бўлиб ўтган туркман адабиёти ва санъати декадаси кунларида фотомухбирларимиз А. Тўраев ва И. Глауберзонлар томонидан олинган.

КОПЕТДОҒ

Анна ҚОВУСОВ

Копетдоғим, сенга келдим сайрга,
Қучоғинг оч, тўйиб-тўйиб боқайин.
Сайр этай, илҳом бергин шоирга,
Меҳримни бир гулхан қилиб ёқайин.

Мусаффо ҳавонгда яйраб дам олиб
Сўзлашай булутинг, элларинг билан,
Чечаклардан олтин гулдаста қилиб
Сирлашай лолалар, гулларинг билан.

Сенда қанотланиб, мириқиб кездим,
Кўрдим водийларни, баланд ерингни.
Ўзим пайқамасдан, ўзим сезмасдан —
Ҳуркитиб юбордим оҳуларингни.

Қалбимда ғамгинлик туйсам гоҳида
Бағрингда сайр этиб кўнгил хушладим,
Қари чинор, арчаларнинг тагида
Қимиз ичдим, тушкунликка тушмадим.

Ҳеч ним билмас, сенсан неча ёшингда,
Сен қадимдан қолган кўҳна ёдгор.
Сочинг оқаради баланд бошингда,
Юзингда асрлар солган ажин бор.

Ю. ШОМАНСУР таржимаси.

ОДАМ ВА ТУПРОҚ

Кора СЕЙТЛИ

Одамларнинг қариб-чуримоғи рост,
Аммо, сен, тупроғим, доим навжувон!
Асрий чинорлар ҳам қуримоғи рост,
Она тупроғим, сен тургунча жаҳон
Баҳордай яшноқсан, гўзалсан, нўркам!

Қиш келганда оппоқ кўрпа ёпиниб,
Ёзда кўз-кўзлайсан ҳусну жамолинг.
Барра ўт-ўланлар кўнка талпиниб
Елда шивирлашиб нуйлар иқболинг.
Ям-яшил қучоғи сўлим тупроғим!

Бу дунёдан қанча оналар ўтди,
Бағрингдадир қанча фарзандлар ҳоки,
Сен она—инсонга неъматинг тутдинг,
Баҳра олсин дединг, меҳримдан тоқи,
Бағрингдадир қанча фарзандлар ҳоки...

Сендадир дунёнинг завқу сафоси.
Сен борсан жаннату беҳишт не керак.
Йўқ, инсон унутмас ернинг даҳоси,
Йўқ, инсон унутмас ернинг вафосин!

Аҳдига вафодор, содиқ ўғлондай
Авлодим номидан қучоқлаб шодон,
Она тупроқ, бўлиб хизматингга шай
Балолардан сени сақлаймиз омон.

Одамларнинг қариб-чуримоғи рост,
Аммо, сен тупроғим, доим навжувон!
Асрий чинорлар ҳам қуримоғи рост,
Она тупроғим, сен тургунча жаҳон
Баҳордай яшнайсан, гўзалсан, нўркам!

О. ҲАКИМОВ таржимаси.

ДЎСТЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Узбек-туркман бир дуғон,
бир туғишган,
Тарих деган бир мактабда
ўқишган.
Дарёлардек қадим бизнинг
йўлдошлик,
Ғоят кутлуғ удум дўстлик,
қардошлик...

деган эди талантли ўзбек шоири Мақсуд Шайхзода ўз шеъ-ларидан бирида.

Дарҳақиқат, ўзбек ва туркман халқларининг дўстлиги, улар ўртасидаги алоқалар қадим замонларга бориб тақалади. Халқларимиз ўртасидаги алоқаларнинг жуда эрта бошланиши ва юксалишида ўзбек ва туркманларнинг тарихий ўтмиши, қисмати, яшаш шароити, урф-одатлари, тили кўп жиҳатдан бир-бирига яқин бўлганлиги муҳим роль ўйнаган.

Икки халқ ўртасидаги дўстлик, иқтисодий алоқалар ўз навбатида маданий, айниқса адабий алоқаларнинг тобора юксалишига йўл очди. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиқ», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул ҳақойиқ» сингари X-XII асрларга мансуб асарлари Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек ва туркманлар учун ҳам умумий бўлган адабий ёдгорликлардир. «Равзотус-сафо» (Мирхонд), «Макоримул ахлоқ» (Хондамир), «Бобирнома» (Бобир), «Шажараи тарокима», «Шажараи турк» (Абдулғозий Баҳодирхон) каби ўзбек адиблари ва тарихчиларининг асарларида туркман халқи тарихи ва тили, санъати ва адабиёти, маданияти ва урф-одатларига доир маълумотлар жуда кўп. Хусусан, туркман халқи тарихининг билимдони бўлган Абулғозийнинг «Шажараи тарокима» асари қардошларимиз тарихини ўрганишда ғоят муҳим тарихий ва бадиий мерос сифатида аҳамиятли.

Ўзбек-туркман адабий алоқалари тарихида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ижоди алоҳида ўрин тутади. Унинг асарлари шоир ҳаёт вақтидаёқ бошқа шарқ халқлари қатори туркманлар ўртасида машҳур эди. Буни билган ва ундан чексиз фахрланган Навоий ўз «Ҳамса»сида шундай мисраларни ёзган эди:

Кўнгил бермиш сўзумга турк
жон ҳам,
Не ёзгуз, турк балким
туркмон ҳам.

Навоий ғазаллари мана бир неча асрдирки, туркман бахшилари ва қўшиқчиларининг репертуаридан мустаҳкам ўрин олган. Бугина эмас, туркман халқи Навоий ҳақида қатор латифалар ҳам тўқиганки-ларда шоир Мирали меҳнаткаш халқ манфаати нуқтаи назаридан иш тутувчи камбағал парвар, донишманд ва одил киши сифатида гавдалантирилади. А. Навоийнинг фусункор шеърияти туркман шоирлари ижодига кучли таъсир кўрсатган. Туркман классик шоирлари Навоийни ўз устозлари деб билганлар. Махтумқули (Фироғий), Андалиб, Мулланафас Навоийнинг ижод боғидан баҳраманд бўлганлар.

Андалиб узоқ вақт Хоразмда яшаган, шунинг учун ҳар иккала халқ ҳам уни ўз шоиридай севади. Андалибнинг «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайхо» сингари достонлари Навоий ва Дурбек ижодидан таъсирланиш туфайли майдонга келган.

Совет ҳокимияти йилларида халқларимиз ўртасидаги маданий алоқалар янада ривожланди, янги маъно касб этди. Туркман шоир, ёзувчи ва драматургларининг асарлари Ўзбекистонда машҳур бўлганидек, ўзбек адибларининг энг яхши асарлари қардошларимизнинг севимли китобларидан қаторидан ўрин олди. Хусусан, ўзбек совет адабиётининг пойдеворини қўйган Ҳамзанинг асарлари туркман китобхонларига ва томошабинларининг муҳаббатини қозонган. Шоир ўз труппаси билан бир неча маротаба Туркманистонга бориб, маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатган, шу йўл билан ўзбек туркман маданий алоқаларининг юксалишига катта ҳисса қўшган.

Туркман адиблари ижодига ўзбек прозасининг асосчилари дан бири Абдулла Қодирийнинг таъсири ҳам кучли. Бу таъсир кўпгина адиблар, айниқса кенса туркман ёзувчиси Хидир Дерёев ижодида сезилади. «Ўзбек романчилигининг асосчиларидан бири Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи менда бир умрга унутилмас таассурот қолдирган ва илҳом бағишлаган. Шундан кейин менда туркман халқининг ўтмиши ҳақида роман ёзиш ниятиқи туғилди. Катта ният билан «Қисмат» романим устидаиш бошладим», дейди ёзувчи мақолаларидан бирида.

Ўзбек ва туркман адабиётларининг оқсоқоллари Ғафур Ғулом ва Берди Кербобоев, хассос шоиралар Зулфия ва Тоҳшан Эсенова ҳамда бошқа кўпгина санъаткорларимиз ўртасидаги самимий дўстликка қардош халқларимиз биродарлигининг, икки адабиёт ҳамкорлигининг ёрқин тимсоли дейиш мумкин.

Ҳозирги замон туркман адабиётининг кенса вакили Берди оғанинг «Дадил қадам», «Ойсултон», «Небитдоғ» асарлари аллақачонлар ўзбек тилида нашр этилган. Ҳозирги вақтда ўзбек китобхони туркман классик шоири Камиранинг шеъ-ларини, Ота Коушетовнинг машҳур «Копетдоғ этакларида» романини, Қора Сейтлиев, Берди Тангриқулиевларнинг шеъ-рий тўпламларини, туркман адиблари ва шоирларининг асарларини ўз ичига олган «Яйловда», «Кўзларингга боқ-қанимда» сингари алманахларни, «Саётхон ва Ҳамро», «Нажаб ўғлон», «Ертиқулоқ» каби туркман достонлари ва эртакларини ўз она тилларида ўқимоқдалар.

Туркман драматурглари асарларининг республикамиз театрларида саҳналаштирилиши ҳар сафар ҳам театр шинавандаларини хушнуд этади. Таниқли драматург Ҳусайн Мухторовнинг «Оила номуси» асари Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театрида намойиш қилиниши, Б. Кербобоевнинг «Махтумқули» драмаси Муқимий номли республика музикали драма театрида томошабинларга тақдим этилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», Туйғуннинг «Муҳаббат», Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» асарлари қардошларимиз театрларининг саҳналарини йиллар давомида безаб турди.

Туркман биродарларимиз классик шоирларимиз асарлари билан бирга Х. Х. Ниёзий, А. Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Каҳҳор, Комил Яшин, Уйғун, Миртемир, Шароф Рашидов, Зулфия, Асқад Мухтор сингари шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларини ўз она тилларида ўқимоқдалар.

Халқларимиз орасидаги дўстлик бадиий адабиётда ҳам ўз аксини топмоқда. Ўзбек ва туркман адибларининг қатор қисса ва романларида, шеър ва достонларида халқларимизнинг қадимдан дўстлиқда яшаб келаётгани, кураш ва меҳнатда ҳамдардлиги, «йинласа қайғуси, ўйнаса чолғуси» бирлиги, Амударё фақат ерларимизнигина эмас, икки халқнинг қалбини ҳам туташтириб турганлиги, ҳамкорлигимиз тобора барқ уриб ривожланаётгани завқ билан қуйланади.

Қ. Сейтлиевнинг ўзбек ва туркман халқлари дўстлигининг гимнига айланган «Қўшиқ»я шеърида шундай сатрлар бор:

Туркманнинг уйида мажлис
очилса,
Навоийдан бошлар бахшилар
созин.
Узбекнинг уйида маъно
сочилса,
Фироғийдан бошлар донолар
сўзин.

Икки халқ орасидаги адабий ҳамкорлик адабиётларимизнинг тематик доирасини кенгайтиришга, янги-янги асарлар пайдо бўлишига замин яратишти. Адабиётларимиз қардошлиги халқларимиз дўстлигининг тимсоли бўлиб қолди.

Ўтган йилнинг олтин куз фаслида Ўзбекистонда бўлиб ўтган туркман санъати ва адабиётининг ўн кунлиги ҳар икки республика маданий ҳаётида катта ҳодиса бўлган эди. Ўзбек адабиёти ва санъатининг қардошларимиз юртида очиладиган декадаси халқларимиз дўстлиги, икки адабиётнинг ўзаро алоқалари тарихида янги босқич бўлиши шубҳасиздир.

Р. ИНОҒОМОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети СССР халқлари адабиёти кафедрасининг ўқитувчиси.

ҚАРДОШЛИК ТАРОНАСИ

Тошкентликлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг «Матбаачилар овози» бадиий агитколлективини яхши биладилар. Бу коллектив қисқа вақт ичида катта программада концерт тайёрлаб, қурилиш майдонларида, завод цехларида ва корхоналарда бир неча марта ўз санъатини намойиш қилди.

Яқинда бадиий агитбригада ҳаваскорларнинг республика фестивалида иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Унга биринчи даражали диплом берилди. Бадиий ҳаваскорлик фестивалини ўтказиш республика ташкилий комитети «Матбаачилар овози» агитбригадасига «Халқ агиттеатри» унвони берилишини тавсия этди.

Агитколлектив яқинда «Ягона оилада» асарини саҳналаштирди. Постановкада икки бола — ўзбек Исмоил ва рус Васянинг ҳаётини акс эттириш билан корхона босиб ўтган катта, машаққатли йўл ҳақида ҳикоя қилинади.

Революциягача матбаачининг ҳаёти, кун кўриши ниҳоятда оғир эди. Ишчилар эски машиналарда ишлардилар, босмахонада санитария ва гигиена қоидаларига мутлақо риоя қилинмасди. Ўлкамизда инқилоб қуёши болқигандан кейин ҳаётимиз гуллай бошлади. Ҳамма соҳа сингари матбаачилик ҳам юксала бошлади.

Кейин томошабин кўз олдидан даҳшатли уруш йиллари ўтади. Оғир пайтларда ҳам матбаачилар мардонавор меҳнат қилиб, немис фашистлари устидан қозонилган ғалабага ўз ҳиссаларини қўшдилар. Постановка давомида биз халқнинг ажойиб фарзандлари Йўлдош Охунбобоев, Фрунзе, Куйбишев, Калинин, Султонхўжа Қосимхўжаев ва бошқаларнинг ҳаёт йўли, эл бахт-саодати йўлида ҳормай-толмай курашганликларини билиб оламиз. Постановка зилзила натижасида зарар кўрган Тошкент ҳамма қардош халқлар вакилларининг меҳнати билан тезда қайта тикланаётгани ҳақида ҳикоя қилади.

Деярлик ҳамма аъзолари нашриёт ишчиларидан иборат бўлган бу агитбригадага Д. А. Викнянский раҳбарлик қилмоқда. Режиссёр О. Бежанбек ҳам агитбригада ишини янада яхшилашга ўзининг бор кучи ва қобилиятини сарфламоқда.

О. УСМОНОВ.

Суратда: агитбригада коллективи.

И. Глауберзон фотоси.

Халқаро ҲАЁТ

ХАНЭДА—АҚШНИНГ ҲАРБИЙ ТРАНСПОРТ БАЗАСИ

ТОКИО, 3 май. (ТАСС). Токионинг халқаро Ханэда аэропорти Америка армияси учун муҳим транспорт базаси ролини ўйнайди. Бу порт АҚШ билан Вьетнам, Окинава, Филиппин, Таиланд ва Японияда Америка базаларини боғловчи звено бўлиб хизмат қилади. Ҳар куни Ханэда аэропорти орқали солдат ва ҳарбий юкларни ташувчи қарийб ўнта самолёт тўхтаб ўтади. Мазкур аэропортдан фойдаланишдан бош тортиш, дейишди Америка қўмондонлигининг вакиллари. Тинч океаннинг ғарбий қисмидаги уруш ҳаракатларига ёмон таъсир кўрсатади.

Солдатлар ва юклар АҚШ авиакомпанияларидан армия ёллаган самолётларда ташилмоқда. Бундай самолётларнинг сони йил сайин кўпаймоқда. Бу ҳол Вьетнамдаги уруш кенгайтирилаблариш билан айниқса сезилмоқда. 1964 йилда, деб ёзади «Майнити» газетаси, қарийб 600 самолёт Ханэда орқали ўтган бўлса, ўтган йили бундай самолётларнинг сони 1.400 га етди. Бу йил уларнинг сони 2 мингдан ортади деб кутмоқдалар.

Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг баёноти

ХАНОЙ, 3 май. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг вакили Америка агрессорлари Ханой ва Хайфонни яна бомбардимон қила бошлаганлигини кескин қоралади, деб хабар беради ВИА агентлиги Озодлик агентлигининг маълумотига асосланиб. Бундай бомбардимон қилишлар, дейилади Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг баёнотида, Вьетнам Демократик Республикаси суверенитетини қўпол суратда бузишдан иборатдир ва Жонсон ҳукуматининг «Тинчлик учун куч-ғайрат сарфлаётганлиги» тўғрисидаги гаплари ёлғончиликдан иборат эканлигини фош қилади.

Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни ва унга қарши барча ҳарбий ҳаракатларни дарҳол тўхатишни, Вьетнамдаги агрессив урушга чек қўйилишини, Американинг барча қўшинлари Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетилишини ва Вьетнам халқига ўз ишларини ўзи ҳал қилиш имконияти берилишини талаб қилади.

Интервенциячиларнинг талафоти

ХАНОЙ, 3 май. (ТАСС). Жанубий Вьетнамнинг Марказий қисми қуролли кучлари ва партизанлари шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида душманнинг 20.793 солдатини жумладан 1965 американлик солдатни сафдан чиқардилар.

Шу вақт ичида, деб хабар беради ВИА агентлиги Озодлик агентлигининг маълумотига асосланиб, Жанубий Вьетнам ватанпарварлари. 117 броневикни ячиб ташладилар. 35 та ҳарбий кемани сувга ғарқ қилдилар ва 11 кемани шикастлантиридар, 97 самолётни уриб туширдилар ёки шикастлантиридилар.

СССРнинг БМТ ҳузуридаги вакиллигида

НЬЮ-ЙОРК, 3 май. (ТАСС). СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакиллиги «Европада тинчлик ва хавфсизлик учун» деган баёнот текстини Бирлашган Миллатлар Ташкилотида тарқатди. Бу баёнот тексти Европа Коммунистик ва ишчи партияларининг Карлова Варида яқинда бўлиб ўтган конференциясида қабул қилинган эди.

«Италия — СССР» жамиятининг съезди

РИМ, 3 май. (ТАСС). Бугун эрталаб Римдаги «Элизео» театри биносида «Италия — СССР» жамиятининг V миллий съезди очилди. Жамиятнинг бош секретари Паоло Алатри съезднинг асосий темаси — «СССР ва Европа бирлиги» ҳақида доклад қилди.

Съезд ишида чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Совет жамиятлари Союзи Президиумининг раиси Н. В. Попова бошчилигидаги Совет делегацияси қатнашмоқда.

Нигерия олий ҳарбий кенгашининг қарори

ЛАГОС, 3 май. (ТАСС). Нигерия олий ҳарбий кенгаши мамлакатдаги, ижроия ҳокимиятни федерал ижроия кенгашга топширишга қарор қилди. Информация федерал министрлиги кеча ана шу ҳақда хабар берди.

Олий ҳарбий кенгаш ихтиёрида қуйидаги вазифалар қолди: Нигерия мудофааси ва хавфсизлиги, конституцион ва сиёсий масалалар, олий федерал суд судьяларини ва Лагос марказий суди судьяларини тайинлаш, элчиларни ва чет элгардаги бошқа вакилларни тайинлаш. Олий ҳарбий кенгаш савдо-сотиқ ва саноат соҳасида сиёсатнинг жиддий ўзгартирилиши учун ҳам жавобгардир.

АМЕРИКА—ИНДОНЕЗИЯ ЯНГИ БИТИМИ

НЬЮ-ЙОРК, 3 май. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернэйшнл агентлигининг мухбири АҚШ давлат департаменти вакилларининг баёнотига асосланиб, хабар беради: Қўшма Штатлар Индонезия билан ҳарбий ёрдам тўғрисидаги янги битимни имзолади. Дастлабки ҳарбий алмашув ўтган ойда жўнатилган эди.

Битимда Америка хом ашёси ва запас қисмлари сотиб олмоқ учун Индонезияга ўн миллион доллар миқдорида қарз бериш кўзда тутилади.

НИКАРАГУАНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ПАРИЖ, 3 май. (ТАСС). Никарагуанинг янги президенти Анастасио Сомоса ўзи бош бўлиб, ҳукумат тузди. Франс Пресс агентлиги мухбирининг Манагуадан берган хабарида айтилишича, Лоренсо Геррера ташқи ишлар министри қилиб тайинланди.

42 яшар бу диктатор Марказий Америкадаги мана шу кичкина республикада 30 йилдан кўпроқ вақтдан бери зулм ўтказиб келаётган Сомосалар оиласининг кенжа фарзанди. Уэст-Пойнтдаги Америка ҳарбий академиясини тамомлаб чиққан Анастасио Сомосани Вашингтонда «АҚШнинг энг яхши дўсти» деб ҳисоблайдилар.

Бу генерал шу йил 5 февралда президент бўлиб сайланган эди. Сайлов кампанияси вақтида у мамлакатда қонли террорни авж олдириб юборди. Сомосани президентлик лавозимига номзод қилиб кўрсатишга қарши ўтказилган бир неча норозилик намойишларини миллий армия ўққа тутди ва Сомосанинг асосий сиёсий мухолифларини қамоққа олди. Оппозиция бу сайловларни «ғирромлик» билан ўтказилган сайловлар деди.

Сомоса 1 майда президентлик лавозимига ўтириб, мен илгариги сиёсатни давом эттираверамаи, деди.



Дания. Балиқчи Кристиан Йенсен оғирлиги бир тонна келадиган 5 метрлик акулани ушлади. Балиқчининг иккинчи қайиғини йиртқич денгизда икки соат давомида судраб юрди. Фақат ўртоқлари ёрдамга етиб келгандан кейингина Йенсен акулани қиргоққа олиб чиқишга муваффақ бўлди.

Нордфото — ТАСС фотоси.



Бу қор қўзиқорин Швецариянинг баланд тоғ этакларидаги яйловда «ўсиб» чиқди. Уни «яратиш» учун оташ оффишлар қилди. Тоб ва совуқ ҳаво кўпгина

Кейстон — ТАСС фотоси.

Футбол

ИККИНЧИ ЛИГАДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Иккинчи лиганинг учинчи группасида аҳвол қандай?

Кимлар пешқадамлик қилянтию, қайси коллективлар оқсаяпти? Ҳурматли футбол ишқибозлари, келинг энг аввало турнир жадвалига бир назар ташлайлик!

КОМАНДАЛАР	У.	Т.	О.
1. «Шахтёр» Қ.	5	6—1	9
2. «Политотдел»	5	10—2	8
3. «Олга» Ф.	5	11—4	8
4. Строитель» А.	5	7—4	6
5. «Энергетик» Д.	5	6—5	6
6. «Нефтяник» Ф.	5	8—4	5
7. «Иртиш» О.	4	2—1	5
8. «Луч» В.	5	3—3	5
9. «Восток» У. К.	5	2—2	5
10. «Уралмаш» С.	4	4—2	4
11. СКА Х.	5	3—7	4
12. «Строитель» У.	3	4—4	3
13. «Темп» Б.	4	2—4	2
14. «Помир» Л.	4	3—5	2
15. «Звезда» П.	4	0—3	2
16. «Кузбас» К.	4	4—8	2
17. «Торпедо» Тм.	4	1—12	2
18. «Локомотив» Ч.	2	0—1	1
19. СКА Н.	4	1—6	1

Ўтган йилги группа голиби пешқадамдан атиги бир очко кам тўплаб, иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Фрунзенинг «Олга» коллективи ҳам колхоз футболчилари билан тенг очко тўплади. Ўтган йили ҳам кураш мана шу уч команда ўртасида борганлигини ва биринчилик охирларида қиргиз футболчилари четга чиқиб қолиб, ягона йўлланма учун ўзбек ва қозоқ, вакиллари беллашганини эслатиб ўтмоқчимиз. Ўтган йили голиблар бу сафар ҳам яхши ўйин кўрсатиб, мухлисларини хурсанд этяпти.

Биз ана шу пешқадамлардан бири бўлган «Политотдел» ҳақида бироз тўхталмоқчимиз. Командага янги тренер бошчилик қиляпти. СССР да хизмат кўрсатган спорт мастери В. Соколов тезда футболчилар билан тил топишаолди. Ҳужум энг яхши ҳимоя ва муваффақият гарови эканлигини тўла тушунган устоз ва шогирдлар бу йил бошқача усулда ўйнашяпти. Ҳужумга беш ўйинчи ташланган. Бошқача қилиб айтганда команда 1±3+2±5 системасини қўллаяпти. Томскнинг «Торпедо» командаси билан бўлган ўйинни эсланг. С. Хон, В. Михайлов, С. Стадник, И. Малиновский ва Д. Анлар доимо олдинда ҳаракат қилишди. Айниқса тажрибали С. Стадник ўйинидан ишқибозлар хурсанд. У ҳужумга бошчилик қиляпти, қулай вазиятлар яратиб, дўстларини ҳамиша қўллаб-қувватлаяпти. Рақиблар дарвозасига бешта тўп киритишнинг ўзи бўлмайдику, ахир. Умуман «Политотдел» ҳужумчилари ўйинидан ноғиб бўлмайди. Беш ўйинда 10 та тўп. Ҳимоячилар эса атиги иккита тўп ўтказиб юбордилар.

Фарғонанинг «Нефтяник» командаси уч ўйиндан кейин турнир жадвалининг охирларида эди. Икки ўйинда рақиблар дарвозасига 6 та тўп киритиб, тўрт очко олган фарғоналиклар олтинчи ўринга чиқиб олишди. Улар энг кейинги ўйинда группа пешқадами бўлиб бораётган «Олга»ни ўз майдонида 3:0 ҳисобида ютиб учинчи ўринга тушириб қўйди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ФАРҒОНАДА СУВ ТОШҚИНИ

3 майдан 4 майга ўтар кечаси Фарғона областида жуда кучли жала ёғди. Бир неча соат ичида икки ҳафтада ёғадиган ёмғир ёғди. Марғилонсой ҳамда бошқа дарё ва каналлар пишқириб оқа бошлади. Ниҳоят, сув қирғоқдан чиқиб, битта кучли пўртана ҳосил қилди ва ўз йўлида учраган суғориш шохобчаларини, гидротехника иншоотларини, кўприкларни, йўлларни бузиб, шунингдек ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экилган майдонларни ювиб кета бошлади.

Фарғонадаги бир қанча кўчалар сув остида қолди. Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги Фарғона ва қисман Поп районлари ҳам зарар кўрди. Бу жойлардаги баъзи уйжой бинолари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, маиший ва маданий муассасалар бузилди.

Тошқин сув Фарғонадаги айрим саноат корхоналарига шикаст еткизди. Фарғона, Қува, Олтиариқ ва Поп районларидаги колхоз ва совхоз далаларининг катта-катта майдонлари сув остида қолди.

Фарғона область партия комитети билан область ижроия комитети, шаҳар, район партия ва совет органлари шошилинч чоралар кўрдилар. Сув тошган районлардаги ва сув тошиш хавфи остида турган жойлардаги аҳоли ўз вақтида бошқа жойларга кўчириб қўйилди.

Кучли техника билан қуролланган минг-минглаб кишилар сув тошқинига қарши курашда ва унинг оқибатларини тугатишда актив қатнашмоқдалар.

В. ТАТАРИНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

8.25—Матбуот ходимлари, байрамингиз муборак. 9.30 — Енгил куйлар. 10.10—П. И. Чайковский балетларидан куйлар. 11.10 — «Марксизм-ленинизм ғоялари байроқдори». 11.25—Қўшиқлар. 11.45 —«Матбуотимизнинг ленинча анъаналари» (рус.). 12.15—Спорт. 12.30 — Ўзбек халқ куйлари. 12.50 —Китоб кўргазмасида (рус.). 13.30 — Электр чолғу асбоблари ансамбли. 16.10—Композитор Борис Надеждин. 17.00—СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 18.10 — Концерт. 18.30 — «Индустрлашган Ўзбекистон» (радиожурнал). 19.00 — Туркманистонда Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси (Ашхабоддан эшиттирилади). 20.00 — «Чорвоқ баҳори» (рус.). 20.10 — Концерт (матбуот ходимларининг талабига мувофиқ). 20.45 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети. «В. И. Ленин ишчилар синфининг деҳқонлар билан иттифоқи ҳақида» (суҳбат). 21.25 — Эшиттириш ва концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 22.00 — Дунё воқеалари. 22.10—Байрам концерти. 22.40—О. Ёқубов. «Бир фельетон тарихи» повестидан парча. 23.20 — Матбуот ходимлари талабларига мувофиқ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.15 — К. Маркс туғилган кунинг 149 йиллиги олдидан. **Улуғ ҳаёт саҳифалари** (телефильм), 18.40 — **«Искра» шу ерда нашр этилган** (ҳужжатли фильм), 19.00 — **Ота-оналар университети**, 19.40 — **Эстрада концерти**, 20.20 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.25 — **Телевизион янгиликлар**, 20.40 — **Бир гектарнинг баҳоси** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 20.55 — **Ўзбек матбуоти тарихидан** («Октябрь» программаси), 21.25—**Аср бошида** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Бизнинг яқин дўстимиз** (болалар учун), 18.25 — **Чизма геометрия** (сиртдан ўқиётган студентлар учун рус тилида ўқув программаси). 19.10 — **Юбилей вахтасида**, 19.30 — **Инсон қиммати** (рус тилида телефильм).

19.45 дан—**Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 6/V да **Спартак.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/V да **Оқ кабутар**, 6/V да **Улимдан кучли.**

ОБ-ҲАВО

Бугун Фарғона водийсида ва Сурхондарё областининг баъзи жойларида момақалдироқ бўлиб, жала қуйиши кутилади. Қолган территорияларда ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат 19-24 даража ўртасида бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Шимоли-шарқ томондан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6.8. кундузи 20.22 даража иссиқ бўлади.

КИНО

Ғазаб — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Гунаҳкорлар мантаби — «МИР», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Саёҳат—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Уруш ва тинчлик (1 ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Спартак (кундуз ва кечқурун)—САНЪАТ САРОЙИ.

Наташа Ростова — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Муқимий номли театрда

5-6 Майда

Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллигига Алишер Навоий достони асосида

ФАРҲОД ва ШИРИН

3 пардали музикали драма

Сахналаштирувчи — **Комил Яшин**

Ўзбекистон ССР халқ артисти, академик **Ю. Ражабий** ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Г. Мушель** музикаси.

Постановкачи режиссёр — **А. Раҳимов.**

Дирижёр — **Қ. Усмонов.**

Рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. Визель.

Балетмейстерлар — СССР халқ артисти, давлат мукофоти лауреати **Г. Измайлова** ва **О. Назруллаев.**

Хормейстер — **Б. Умиджонов.**

Концертмейстерлар — **М. А. Фурман** ва **А. Б. Малина.**

Режиссёр ассисенти — **Р. Мухитдинова.**

Спектакл кеч соат 8 яримда бошланади.

1967 йил 16 Май кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ижтимоий фанлар бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, катта конференц-зал) тарих фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун

У. Х. Шалекенов «Амударё этакларидаги қозоқлар (Қорақалпоғистон халқларининг XVIII—XX асрлардаги ўзаро муносабатлари тарихига доир)» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан академия кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1967—1968 ўқув йилининг I курс кечки бўлимига қуйидаги мутахассисликлар бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

математика, кутубхонашунослик ва библиография, педагогика ва **бошланғич таълим методикаси** (Ўзбек ва рус тилларида), **чизмачилик** ва **расм** (Ўзбек тилида).

Ҳужжатлар 31 майгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1 июндан 20 июнгача.

Қабул комиссияси (1-хона) кеч соат 6 дан 10 гача ишлайди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Педагогическая кўчаси, 103-уй.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТХОНЛАРИГА

Шарқда Октябрь қуёши болқиб, халқ боши узра бахт-иқбол чароғи порлаган, революция алангаси миллионлар қалбини ёритиб турган кезларда — 1918 йилнинг 21 июнида «Совет Ўзбекистони» газетаси туғилди. Дастлабки йилларда бу газета «Иштирокиюн» («Коммунист»), «Қизил байроқ» ва «Туркистон» номлари билан нашр этилган эди. Ўша вақтда «Иштирокиюн» («Совет Ўзбекистони») газетаси 2 минг нусха нашр этилган бўлса, ҳозир унинг тиражи қарийб ярим миллионга етди. Шудирки, у халқ ҳаётининг кўзгуси, Коммунистик партиянинг энг ўткир ғоявий курашчиси, ишчилар, деҳқонлар ва совет зиёлилари меҳнатининг, маънавий дунёсининг куйчиси сифатида мамлакатимизда коммунизм қурилиши йўлидаги катта ишларда баракали хизмат қилиб келмоқда.

Газета келаси йили 50 ёшга тўлади ва унинг юбилейи ўтказилади.

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР! Шу пайтдан фойдаланиб, Сизларга мурожаат этар эканмиз, газетамиз юбилейи муносабати билан унинг ҳақида мазмундор, турли воқеа ва эпизодларга бой таассуротларингизни, эсдалик-хотираларингизни, истак ва маслаҳатларингизни, ўзларининг серзавқ сатиралари билан газетамизга узоқ йиллар мобайнида актив қатнашиб келаётган шаҳар ва қишлоқ мухбирлари, журналистларнинг ижодий фаолиятлари ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни йўллашларингизни илтимос қиламиз.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

БИЗНИНГ АДРЕС

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги—В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В39005, В33553. Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ А — 105. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. Р. 01781.